

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 1Ф + 930.1

ББК:87. 3 (0)

Т – 87

ТЎРАЕВ ЛАЗИЗ АБДУВАЛИ ЎҒЛИ

**МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ-
ИЖТИМОЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

5A220313 – Замонавий шарқ фалсафаси ва тарихи йўналиши

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари номзоди,
доцент Г. Рўзматова

Ушбу магистрлик диссертацияси Ўрта асрларда арабларнинг ўзига араб тилини ўқитадиган даражада араб тилини эгаллаган Марказий Осиёдан чиққан етук мутафаккир Маҳмуд аз-Замахшарийнинг фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий қарашларини тўлиғича очиқ берган ва унда қўйилган барча масалалар батафсил очиқ берилган.

Тошкент – 2011

Ҳимояга рухсат берилди:

Магистратура бўлими бошлиғи: фил.фан.ном., доцент А. Ҳабибуллаев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ XI—XII АСРЛАРДА ХОРАЗМДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АҲВОЛИ	14
1-01. Хоразмда диний-фалсафий илмлар тарққиёти. (Тафсирчилик)....	18
1-02. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти фаолияти ва шахсияти.....	21
1-03. Маҳмуд Замахшарий дунёқарашининг шаклланиши.....	25
II БОБ. МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА АХЛОҚИЙ МЕРОСИ	30
2-01. Маҳмуд Замахшарий ва муътазила таълимоти.....	36
2-02. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.....	41
2-03. Маҳмуд Замахшарий ўғитларида фалсафий-ахлоқий масалалар ечими.....	43
III БОБ ТАФСИР ИЛМИ ВА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ МУФАССИР СИФАТИДАГИ МАҚОМИ	53
3-01 Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари ва унинг Ўзбекистондаги нусхалари.....	60
3-02 Маҳмуд Замахшарийнинг Қуръони карим сура ва оятларини тафсир қилиш услуби.....	66
ХУЛОСА	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	77
ИЛОВАЛАР	81

К И Р И Ш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги.

Мустақиллигимиз келтирган буюк неъматлардаи бири – турфа маънавий кадриятларимиз, кўхна ва бой тарихимиз, маданий меросимизга муносабатнинг тубдан ўзгариб, узоқ мозийда яшаб, абадий барҳаёт асарлар яратиб кетган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. Бу йўналишда тарихан қисқа муддат ичида амалга оширилган кенг кўламли ишлар Республика ҳукумати, мухтарам Президентимиз Ислом Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган доно ва халқчил сиёсатнинг самарасидир. Республикамизда диний илмларга катта эътибор берилаётгани, Қуръони Каримнинг, ҳамда Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак ҳадисларининг ўзбек тилига тафсир-таржима қилиниб, кенг кўламда ўрганилаётгани, уларнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётимизга тобора сингиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат, давлат ва жамиятнинг барча жабҳалари равнақи фан ютуқларига асосланади. Юртбошимиз И.А.Каримов халқимиз олдидаги долзарб вазифаларни ўз асарларида шундай кўрсатганлар: “Ислом динимизнинг муқаддас мероси – фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва кадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишлардан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир”¹.

Ўзбекистоннинг ўзига хос янгилиниш ва тараққиёт йўли қуйидаги учта муҳим шартга асосланади:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т: Ўзбекистон. 2000. 76-77 бетлар.

- миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш;

- ва ниҳоят, инсон ўз салоҳияти ва истеъдодини эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш².

Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклашга ва мустаҳкамлашга, халқимиз маънавий меросини ривожлантиришга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормокда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмокда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т: Ўзбекистон. 2000. 240- бет.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини синчиклаб ўрганиш, улардан Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни буюк давлатлар қаторига кўтаришда, халқ фаровонлигини юксалтиришда фойдаланиш муқаддас вазифадир. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, “...ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”³. Демак, ўзлигини таниган, тарихий тажрибадан чуқур сабоқ олган фуқароларига эга бўлган давлатни танлаган йўлидан қайтариб бўлмайди. Бундай давлатда тинчлик, тараққиёт, фаровонлик барқарор бўлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол сари ривожланишида биз ёшлар, хусусан, талаба ёшларнинг маънавий етуклиги, пухта, кенг ва чуқур билимли бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг диёримиз буюк алломаларни етиштирган. Бутун жаҳон илм аҳли улар билан фахрланади. Улар асос солган миллий илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор.

Биз яшаётган минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

3 Каримов, И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т., Ўзбекистон. 1998. - 3-4 бетлар.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуг зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Нега деганда, ўзимиз – бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким, ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди.

Маълумки, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонлик кўплаб олимлар илмий-маънавий мерослари билан жаҳон илм-фани ва маданиятининг равнақида улкан ҳисса қўшганлар. Бу хусусда Президентимиз И.А.Каримов: “Қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг жаҳон илму зиёси тарихига зарварақлар ила битилган асарлари оз эмас” – деганди, “Тафаккур” журнали мухбирига.

Хоразм ўлкасида ўрта асрларда 40 дан ортиқ шаҳарлар ва маданий марказлар мавжуд бўлган. Ушбу маданият марказларида қатор жаҳон илму фанлари ва халқлар маданияти ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлар етишиб чиққан. Ўша замон қомусий олимлари аниқ фанларни ривожлантириш билан бирга мантиқ, фалсафа ва илоҳиёт илмларни ҳам юксак савияга олиб чиқишган.

Мана шу муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиққан улуг аждодимиз Маҳмуд Замахшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун “Жоруллоҳ” – яъни “Аллоҳнинг қўшниси” деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган “Ал-Муфассал” китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади. Шу боис араб мутафаккирларидан бири:

"Оламдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек машхур алломанинг ватанидир", деганида тўла ҳақлидир⁴.

Улуғ бобокалонимиз Маҳмуд Замахшарий ўзининг бой илмий мероси билан шарқ, қўйинки, дунё илм-фан маданиятини бекиёс даражада юксалтирди. Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий меросини ўрганиш, уни халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида тадқиқ этиш, республикаимиз илм-фани истеъмолига замонавий таҳлил ва талқинда тақдим этиш, кенг жамоатчиликка, халқимизга танитиш, асарларини нашр этиш катта аҳамиятга эга. Зеро, Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси умумбашарий назарий-методологик аҳамиятга молик қадрият бўлганлиги учун дунё миқёсида кенг қамровли тадқиқ этилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳмуд Замахшарий ҳақида кейинги йилларда бизда турли маълумотлар пайдо бўлди. Баъзи китоблар нашр қилинди. Маҳмуд Замахшарий асарлари таржима қилинди ва уларга шарҳ ва изоҳлар қилинди. Алломанинг илмий-маънавий меросларига турли маданият ва маънавият вакиллари мурожаат қилдилар ва қилмоқдалар.

Шу жумладан, ўзбек халқининг ифтихори саналмиш бу зотни Ғарбу Шарқ олимлари буюк иқтидор ва истеъдод эгаси деб эътироф этиб келмоқда. Унинг кўплаб асарлари Германия, Франция, Англия ва АҚШ да нашр этилгани, исломшунослик ва араб луғатшунослиги бўйича асосий қўлланма вазифасини ўтаётгани кўп нарсадан далолат беради.

1995 йил 26 апрел кунида Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон фани ва маданияти равнақига, айниқса, Марказий Осиё халқларининг маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар Маҳмуд Замахшарийнинг

4 Каримов.И.А. биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз.Миллат кудрати-хамжиҳатликда 7 том. 1999 йил 26 март куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи

таваллуд топганига 920 йил, Нажмиддин Кубронинг таваллудига 850 йил тўлиши муносабати билан” 128-Ф фармойиши чиқди.

Маҳмуд Замахшарий даҳосининг оламшумул аҳамиятини назарда тутиб, 1995 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан алломанинг 920 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланиб, катта халқаро анжуман ўтказилди ва ўша йили ноябр ойида Замахшарийнинг 920 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Олимнинг миллий меросини тадқиқ қилиш ва ўрганиш ишлари ҳам ана шу даврда, истиқлолнинг дастлабки йилларида бошлаб юборилган эди.

Ўзбекистонда Замахшарий меросини ўрганиш юзасидан бир қанча диққатга сазовор ишлар қилинди, жумладан:

1. 1921 йилда маърифатпарвар Садриддин Айний “Меҳнаткашлар товуши” газетасида ёзган мақоласида: “Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат-ул-адаб” асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир” деб, унинг ижодига эътибор беришга чақирган эди;

2. 1971 йилда Алибек Рустамов томонидан “Маҳмуд Замахшарий ” номли рисола⁵ ва “Муқаддимат-ул-адаб” (“Адабиётшуносликка кириш”) асаридаги лексик хусусиятлар таҳлил қилинган махсус рисола нашр қилинди;

3. 1992 йил Убайдулла Уватовнинг “Навобиғ-ул-калим”⁶ (“Нозик иборалар”) асарини ўзбек тилига таржима қилди ва “Маҳмуд Замахшарий”⁷ ҳамда “Хоразмлик буюк аллома”⁸ китобини нашр қилди;

4. 3. Исломов⁹ томонидан номзодлик ва докторлик диссертациялари

5 Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971.

6 Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. У. Уватов таржимаси – Т.: Камалак, 1992.

7 Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Мерос, 2005.

8 Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.

9 Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат-ул-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили. Фил.фан.ном.дис. Т.: Тош.Дав.Ун.(ЎЗМУ), 199. Исломов З. “Муқаддимат-ул-адаб” асарининг кўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни. Фил.фан.док. дис. Т.: ЎзРФА кўлёмалар инс, 1998.

ҳимоя қилинди;

5. М. Ҳакимжонов¹⁰, М. Носирова¹¹, Н. Сулаймонова¹² ва А. Болтаев¹³ ларнинг номзодлик диссертациялари ҳимояга олиб чиқилди;

6. А. Зоҳидов¹⁴, Қ. Маҳмудов, М. Аъзам, Н. Шарипов ва Ў. Қориев томонидан Замахшарий ижоди ва илмий фаолиятига бағишланган мақолалар чиқди;

7. Бундан ташқари, ўрта аср араб тадқиқотчиларидан Ибн Халликон, Ёкут Ҳамавий, Ҳожи Халифалар ўз асарларида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва меросига оид қимматли маълумотларни келтирганлар. Унга нафақат Шарқ, балки Ғарб шарқшунослари ҳам катта қизиқиш билан қарайдилар. Йирик шарқшунослар ва тадқиқотчилардан К.Броккельман, Х.А. Гибб, И.Ю.Крачковский, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкинлар алломанинг илмий мероси устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг илмий тадқиқотида келтирилган маълумотлар ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Маҳмуд Замахшарийнинг дунёқарашини ва муътазилийлик оқимини таҳлил қилишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

➤ Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий-ижтимоий ва сиёсий қарашлари ва тилшуносликка туртки бўлган назарий ғоялар манбалар асосида таҳлил қилинди;

10 Ҳакимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат-ул-адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили. (Исмлар). Фил.фан.ном.дис. Т., 1994

11 Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузж фи-н-нахв” рисоласи-араб тили грамматикасига оид асар. Фил.фан.ном. Т.: 2003.

12 Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий “Асос-ул-балоғ” асарининг манбашунослик тадқиқи. Фил.фан.ном. Т.: А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2007.

13 Болтаев А. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Сиёсат.фан.ном. (БухДУ) Т.,: 2008.

¹⁴ Зоҳидов А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Т.: ГФНТИ. 1993.80-81 бет

➤ Маҳмуд Замахшарийнинг жаҳон маънавияти хазинасига қўшган ҳиссаси аниқланди;

➤ дунёқарашига ва муътазилийликка оид фикрлари ўрганилади.

Магистрлик диссертациянинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Маҳмуд Замахшарийнинг борлиқ, ижтимоий, ахлоқий ва фалсафий қарашларининг асосий омиллари кўрсатиб ўтилди;

- Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари ва илмсизлик тўғрисидаги қарашлари ўрганилди ҳамда бу қарашларнинг юнон файласуфи Сукрот қарашлари билан муштараклиги аниқланди;

- “Ал-Кашшоф” асаридаги Қуръон сура ва оятларига берилган шарҳлар ўрганилди;

- Маҳмуд Замахшарийнинг муътазила оқимига ҳисса қўшганлиги аниқланди;

- Маҳмуд Замахшарийнинг сиёсат, давлат бошқарувига оид қарашлари ўрганилди ва Абу Наср Форобий, Амирий, ал-Мавридий ижтимоий-сиёсий қарашлари билан таққосланди;

- Маҳмуд Замахшарийнинг “Олтин шодалар”, “Нозик иборалар” асаридаги одоб-ахлоққа оид ўғитлар таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, фалсафа тарихи бўйича тадқиқот олиб борган файласуфларнинг илмий асарлари муҳим назарий асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Маҳмуд Замахшарийга оид ушбу магистрлик иши “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Шарқ фалсафаси тарихи” ихтисосликлари бўйича амалга оширилаётган биринчи назарий-фалсафий тадқиқотдир.

1. Ушбу магистрлик ишида жамланган Маҳмуд Замахшарийга оид асл манбавий маълумотлар Маҳмуд Замахшарий фалсафасининг асослари – муътазила рационалистик таълимотини янада чуқур, тўлароқ, аниқроқ билиш имконини беради.

2. Амалга оширилган фалсафий-тарихий таҳлил, умумлаштирувчи хулоса ва кузатишларимиз Маҳмуд Замахшарийни муътазила-файласуф, мутафаккир сифатида бир бутун ва тўлақонли тасаввур қилиш, илмий, тарихий холис ва адекват талқин қилиш имкониятини беради.

3. Маҳмуд Замахшарий муътазила-фалсафий таълимоти ва дунёқарашининг бундай илмий холис, бир бутун ва адекват редукция қилиниши эса унинг бутун илмий мероси – филологик, бадиий, ахлоқий, илмий-мантикий, сиёсий-диний қарашларини ҳам системали (тизимли), ҳам мантикий изчил ва тарихий адекват тўғри талқин этишга асос бўла олади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. “Фалсафа тарихи, “Шарқ фалсафаси” курсларига оид дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларга Маҳмуд Замахшарийни файласуф-мутафаккир сифатида таҳлил, баён этадиган ва хулосалаб берадиган тегишли боб, фасллари кириштириш, магистр ва бакалавр талабаларга махсус курслар ўқиш (10-12 соатлик), талабалар кенг жамоатчилиги ўртасида Маҳмуд Замахшарийга оид баҳс-мунозаралар ўтказиш, унинг комил инсон ҳақидаги қарашлари, идеал қадриятлар, ҳақиқатпарастлик, илмпарастлик, инсонпарварлик, ватанпарварликка оид эзгу шахсий фазилат, хислатларини тарғиб-ташвиқот этиш.

Магистрлик диссертациянинг объекти. XI—XII асрларда Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф», «Атвоқ-уз-заҳаб», «Нозик иборалар» асарлари.

Магистрлик диссертациянинг предмети. Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий дунёқараши.

Магистрлик диссертациянинг тадқиқот услари. Қиёсий матншунослик, манбашунослик, фалсафий-тарихий, муаммовий, цивилизациявий-маданий, тизимли ёндашув, тарихий-ворисийлик, анализ, синтез, умумлаштириш (индукция ва дедукция) сингари ёндашув усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, холислик, назарий хулоса чиқариш, таҳлил қилиш, тарихийлик, миллийликнинг ўзаро бирлиги каби илмий-фалсафий тамойиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси. Тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари, Маҳмуд Замахшарий асарлари, Шарқ ва Ғарб файласуфлари, олимлари ва ёзувчиларининг ижодига оид тадқиқотлари, турли йилларда chop этилган мақолалар, рисолаларида илгари сурилган хулоса, тавсиялари ташкил этади.

Магистрлик диссертациянинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик институти Шарқ филологияси ва тарихи факультети Фалсафа кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Магистрлик диссертациянинг жорий қилиниши. Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича ТошДШИ Фалсафа кафедраси томонидан ўтказиладиган “Шарқ фалсафаси: тарихи ва ҳозирги замон” мавзусидаги 13-илмий анжуманида (2010) ва институт миқёсидаги талабаларнинг илмий конференциясида (2011) маърузалар қилинди.

“Камолот сари” иқтидорли ёшлар илмий тўплами 2010 йил 2-сонида “Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари”, “Шарқшуносликнинг долзарб масалалари” номли ТошДШИ иқтидорли талабалари тўпламида 2011 йил “Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари ва унинг Ўзбекистондаги нусхалари” номли мақолаларда магистрлик диссертациянинг асосий мавзусига тегишли ғоялар ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертация “Кириш” қисми, уч боб, 8 та фасл, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” ҳамда “Илова”лардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 80 бетни ташкил қилади.

I БОБ. XI–XII АСРЛАРДА ХОРАЗМДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АҲВОЛИ

IX – XII асрларда юртимизда илм-фан, маданият шунчалик даражада юксалдики, бу юксалиш нафақат юртимиз тараққиётига, хатто дунё тараққиётига ҳам ўз улушини қўша олди. Бу юксалиш даврини инсоният уйғониш (ренессанс) деб тан олганлиги бежиз эмас, албатта. Бу юксалишнинг содир бўлишини айнан шу даврда юртимизда қудратли марказлашган давлатлар ташкил топиб, ўлкамизда тинчлик ва осойишталик қарор топганлиги, бу ҳолатлар илм-фан, маданият ривожига имкон яратганлиги ва бундан ташқари, бу даврда ҳукмдорлик қилган маърифатпарвар амир ва подшоҳлар аксар ҳолларда илмли ва маънавиятли бўлганлиги, уларнинг ўзлари илм-фан, маданият ривожига ҳомийлик қилганлиги билан боғлайдилар. Аммо яна бир омил борки, бу омил ҳам уйғониш содир бўлишига туртки берган муҳим жиҳатлардан биридир.

XI аср “ислом маданиятининг туб бурилиш даври” бўлса, XII аср ўзидан аввалги асрларда эришилган ютуқларни том маънода ривожлантирганлиги билан “трансформация даври” бўлган.¹⁵

Араб футиҳотлари натижасида ислом дини, халифалиги юртимизни эгаллагач, араб тили давлат тили даражасига кўтарилди. Араб тили, ислом дини, Қуръони Каримни яхши эгаллаган ва билган шахсларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошди. Бу араб тилига нисбатан ҳаётий эҳтиёжни кучайтирди. Юртимизда ҳам хатто ўз она тилига нисбатан араб тилини яхши биладиган толиби илмлар борган сари кўпайиб бордилар. Араб тили ва ислом дини бўйича мукаммал билим ва малакага эга бўлганлар халифаликнинг марказий шаҳарларига бориб ўқишни одат тусига, анъанага айлантирдилар.

¹⁵ Эфендиева. Н.К. К вопросу о жизни и деятельности аз-Замахшари.- <http://языкилитература.boom.ru/link4.htm>

Юртимизда уйғониш содир бўлишига туртки берган бу омил туфайли Мовароуннахр ва Хоразмдан буюк бир зотлар чикдики, улар дунё илм-фани ривожига ҳам улкан ҳиссаларини қўша олдилар.

IX – XII асрлар Ўрта Осиёда сиёсий жиҳатдан бир неча марказлашган давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври бўлган. Бу даврдаги осойишталик минтақада иқтисодий ва маданий ривожланишга асос бўлган. IX – XII асрларда нафақат илм-фан, маданият, моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳа ҳам ривож топди. Хунармандчилик ва савдо ҳам тараққий этди. Айниқса, бу ҳолатлар юртимиз ривожига қадимдан ўз ҳиссасини қўшиб келган бир йўналишнинг ўрни ва аҳамиятини яна ҳам оширди. Бу ўрин ва аҳамиятнинг ошиши билан юртимизда обод ва гўзал шаҳарлар сони кўпайиб борди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Ал-Муқаддасийнинг ёзишича, (985 йил ёзган) 830 – 833 йилларда Хоразмда 13 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, ярим йилдан сўнг шаҳарлар сони 33 тага етган. Булар: Кос, Гардмон, Ойхон, Орзахива, Нуқфоғ, Қардор, Миздакхон, Жашира, Садвор, Зардух, Боратегин, Мадминия (Амударёнинг ўнг соҳилида) Журжония, Рахушмисон, Мадамисан, Хива, Кардаранкос, Хазорасп, Жигарбанд, Жоз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккинчи Жит, Сафдор, Нузвор, Замахшар¹⁶, Рузун, Вазирманд, Васкаханкас, Андаросгон ва ҳакозолар.

Хоразмда янги маданият Сомонийлар (874 – 999) давридан бошлаб ривожлана бошлаган. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннахр Фирдавсий, Рудакий ва Дақикий сингари улуғ шоирларни, Абу Жаъфар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби буюк фан доҳийларини етиштирди.

Хоразм Сомонийлар даврида Жанубий ва Шимолий вилоятдан иборат бўлиб, Жанубий Хоразмнинг пойтахти Қиёт, Шимолий Хоразмники Урганч

¹⁶ Замахшар. Маҳмуд Замахшарий таваллуд топган шаҳар; Ҳозирда Хоразмнинг “Измихшир” қишлоғи

(Журжония) эди. X аср охирида Қорахонийлар истилоси натижасида Сомонийлар давлати емирилгач, Хоразм тўла мустақилликка эришади ва унинг янада ривожини учун замин яратилди.

996 йилда Шимолий Хоразм ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад (995 – 997) Жанубий Хоразмни ҳам ўзига бўйсундириб, ягона Хоразм давлатини вужудга келтиради ва Урганчнинг пойтахт қилиб, ўзини Хоразмшоҳ¹⁷ деб эълон қилади. Маъмун ибн Муҳаммаддан сўнг унинг ўғли Али ибн Маъмун (997 – 999), Али вафотидан сўнг унинг укаси Маъмун ибн Маъмун шоҳ бўлади. Шу тариқа, Маъмунийлар ҳукмронлиги бошланган. Қисқа давр ичида маъмунийлар Хоразмшоҳлар давлатини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантирдилар. Мамлакат вилоят, шаҳар ва қишлоқ (қалъа) ларга ажратилиб бошқарилган.

Маъмунийлар даврида Хоразмда илм-фан ва маданият равнақ топиб, Жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган илмий марказлардан бири 1010 – 1017 йилларда фаолият кўрсатган Маъмун академияси – “Дорул мажалис”¹⁸ (“Мажлислар уйи”) ташкил этилади. Ушбу илмгоҳда буюк қомусий олимлар ижод этганлар, ўз кашфиёт ва асарлари билан Хоразмшоҳлар давлатининг мавқеини юксак даражага кўтарганлар.

Худди мана шу даврда Марказий Осиёнинг илм-фан маркази Хоразм бўлиб, Туркистоннинг кўзга кўринган илм аҳли ана шу илмий марказга тўпланган.

1017 йилда Султон Маҳмуд Ғазнавий тарафидан забт этилиб, ўз мустақиллигидан айрилган Хоразм кўп вақт ўтмай 1043 йилда Салжуқийлар томонидан босиб олинади. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ ўз маъмурларидан Ануштагенни Хоразмга ноиб қилиб тайинлайди. Ануштаген вафотидан сўнг Хоразмда унинг вориси Қутбиддин Муҳаммад (1097 – 1127) ноиблик қилади. Хоразмнинг мустақиллиги Қутбиддин

17 Хоразмшоҳ-Хоразм ҳукмдорларининг унвони

18 2006 йилда Республикамизда “Хоразм Маъмун академияси”нинг 1000 йиллиги нишонланди.

Муҳаммаднинг ўғли Отсиз (1127 – 1156) номи билан боғлиқдир. Отсиз даврига келиб Хоразм янада ривожланади.

Хоразм иқтисодий жиҳатдан ҳам бой ўлка эди. X асрларда Хуросон ва Мовороуннахр, жумладан, Хоразмни айланиб чиққан географ Абдуллоҳ Максудий ўзининг «Аҳсану-т-тақосим фи маърифати-л-ақолим» асарида Хоразмда деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ҳамда садво ишларининг ғоятда ривожланганлигини таъриф қилиб, аҳолисининг маданий савияси юксаклигини ҳам таъкидлаб ўтади¹⁹.

XI–XII асрларда Марказий Осиёда ислом маданияти ривожланди. Жамиятда маҳаллий динлар – зардуштийлик, буддизм ва бошқалар суриб чиқарилди. Ислом таълимоти Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмдорларининг ички ва ташқи сиёсатида бош, йўналтирувчи ғоявий куч бўлиб хизмат қилди. Жамиятда ислом динига, Қуръони Каримга эҳтиёж кучайди. Аммо ҳамма ҳам Қуръони Каримни ўқий олмас, унинг мазмунини чақа олмас эди. Бу эса Қуръоннинг мазмунини шарҳлаш ва тафсирига талабни оширди. Натижада ўлкамизда Қуръони Каримни шарҳловчи ва унинг тафсирини баён қилувчи асарлар ёзган улуғ исломшунос алломалар етишиб чиқди. Имом Абу Мансур Мотуридий, Имом Абу Лайс ибн Муҳаммад Самарқандий, Имом Замахшарий, шайх Нажмиддин Кубро, Имом Насафийлар ана шулар жумласидандир.

Бу бобда хулоса қилиб, Маҳмуд Замахшарий Хоразм ҳақидаги фикрларини мисол қилиб келтирдик. Мутафаккир Хоразмга нисбатан чексиз муҳаббати ва ватанпарварлик туйғуси ва садоқатини қатор асарларида алоҳида таъкидлайди. Жумладан, ўз асарларидан бирида “Хоразмда шунчалик кўп, беҳисоб гўзал фазилатлар мавжудки, дунёнинг бирор мамлакатада ҳам бунақасини кўрмадим”, – деб зўр ифтихор ва ғурур билан ўз ватани Хоразмни таърифлайди. Ёки бўлмаса, ўзининг «Рабийъ ал-

19 Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар. Тошкент «EXTKEM1Ж PKE55» Таржимонлар Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим..2010-йил. 6-бет.

аброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») номли Бағдодда нашр этилган тўрт жилддан иборат йирик асарида Муҳаммад (с.а.в.) нинг яқин саҳобаларидан бири Абу Хурайра (у 676 йилда вафот этган) ривоят қилган муборак бир ҳадисни келтирадики, бунга кўра Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратлари Хоразмга ғоятда юксак таъриф бериб: “Хоразмда атиги бир кечагина тунаган инсон қандай бахтли-я! Хоразмнинг чангу ғубори теккан кишидан бахтли инсон бўлмаса керак! Хоразмда икки ракаат бўлса ҳам, намоз ўқиган киши қандай бахтиёр инсон-а! – деб марҳамат қилган эканлар”²⁰. Сарвари оламнинг муборак тилларидан содир бўлиб, сидқидилдан пайғамбарона меҳр билан айтилган бу таърифу тавсифлар кўҳна Хоразмни азалдан ислом олами учун ҳам нақадар азиз ва муқаррам ўлкалардан бири сифатида улуғланганлигини кўрсатади.

1-01. Мовароуннаҳрда диний-фалсафий илмлар тараққиёти (Тафсирчилик)

Хоразмда диний-фалсафий илмлар тарққиёти номли фасл ҳақида фикр билдиришдан олдин Маҳмуд Замахшарийнинг Хоразм тўғрисидаги эътиқодий жихатдан берган фикрларини кўрсатишни жоиз деб билдик: “Хоразмнинг афзал жихати шундан иборатки, у адл ва тавҳид аҳли йўли бўлмиш тўғри йўлдан бормоқда”²¹.

Туронзамин улус ва элатлари истиқомат қилган ҳудуднинг араблар истилоси ва асоратидан халос этилиши, ўз мустақиллик мақомига эга бўлиши юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига сезиларли ижобий таъсир этди. Сомонийлар, Қораҳонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразшоҳлар сулоалари ҳукмронлик қилган IX – XII асрларда Мовароуннаҳр сарҳадларида яшаган улус-элатлар ўртасида нисбатан тинчлик, осойишталик, тотувлик, яқинлик ва ҳамжиҳатлик

20 Маҳмуд Замахшарий «Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») (1-жилд, 349-351 бетлар).

21 Қаранг. Болтаев А. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. (Дис-я).

вужудга келдики, бунинг орқасида ўлкада моддий ишлаб чиқариш, маданий ривожланиш жараёни анча тезлашди, шаҳарлар ҳаёти юксалди, савдо-сотиқ, хунармандчилик ўсди, аҳоли фаровонлиги кўтарила борди.

IX – XII асрларда Мовароуннаҳрда моддий маданият ўзига хос услуб ва шаклларда тўхтовсиз ривож топиб борди. Халқ орасидан чиққан маҳаллий усталар, меъморлар, наққошлар, кулоллар, заргарлар, мискарлар томонидан юрт довуғини оламга танитган ажойиб меъморчилик обидалари, санъат намуналари бино қилинди.

Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар каби сулолаларга мансуб маърифатпарвар ҳукмдорларнинг илм-фан ва маданиятга доимий рағбат беришлари орқасида кўплаб истеъдод соҳибларининг салоҳияти, ижоди ўсиб, юксалиб борган. Ўша давр ҳукмдорлари ташаббуси билан бунёд этилган ва фаолият кўрсатган кутубхоналарда сон-саноксиз ноёб, қимматбаҳо китоблар ҳамда қўлёзмалар тўпланганки, булардан ҳозирги авлод кишилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Ибн Синодек буюк зот ҳам биринчи бор танишиб хайратланган Сомонийлар саройи қошидаги бой кутубхона ҳам мана шундай илм масканларидан бири бўлган.

Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг ўсишида ислом маданиятининг аҳамияти катта бўлди. Ислом фақат дингина эмас, балки янги маънавий йўналиш сифатида ҳам бутун маданий жараёнга, барча мусулмон мамлакатлари орасида ижтимоий-маданий ва маърифий алоқаларнинг кучайишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу даврда маънавиятда ҳурфикрлилик, ҳар қандай билим, илм-фанга ҳурмат, диний оқимлар эркинлиги устиворлик қилган. Диний ва дунёвий илмлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривож топиб борди. Қадимги юнон, ҳинд ва бошқа юртлар анъаналаридан, билим манбаларидан ҳам кенг ижодий фойдаланилди.

XI аср бошларида Хоразмда вужудга келиб кенг фаолият кўрсатган машҳур Маъмун академияси илм-фан равнақига ижобий таъсир этди. Абу

Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Мансур ибн Ироқ сингари илм пешволари ҳам дастлаб шу фан масканида улғайиб, камолот босқичига кўтарилганлар.

IX – XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан юксалди, ҳозирги замон фанининг кўплаб тармоқлари ва йўналишларига чинакам пойдевор яратилди. Хусусан математика, алгебра, астрономия, тиббиёт, геология, геодезия, жуғрофия, фалсафа сингари дунёвий фанларнинг тамал тоши том маънода шу даврда қўйилди.

IX – XII асрлар даври нафақат дунёвий фанларнинг юксалиб бориши билан бирга исломий маданият ва маънавиятнинг шаклланиб, чуқур илдиз отиб бориши, етук олиму уламоларнинг етишиб чиқиб, Ватанимиз шаънини оламари улуғлаганлиги билан ҳам тавсифланади.

Гарчанд ислом дини Арабистонда вужудга келган бўлса-да, бироқ янги илоҳий таълимот Туркистон заминида равнақ топди, такомилига эришди. Туркистон мусулмон дунёсига Хоразмийлар, Фарғонийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Марғинонийлар, Насафийлар, Самарқандийлар таҳаллуслари билан ижод қилган кўплаб ноёб истеъдод соҳибларини етиштириб берди.

Ислом ва унинг асоси таълимоти акс этган “Қуръони Карим” ғояларининг ўлка ҳаётига кириб келиши ва кенг ёйилиши, шунингдек, маҳаллий халқларнинг мусулмончилик тамойиллари ва удумларини қабул қилиши ҳамда уларга эътиқод боғлаши давомида аста-секин ислом маданияти шаклланиб, чуқур илдиз отиб борди. Бунда шу юрт заминидан етишиб чиққан буюк исломшунос алломаларнинг хизмати беназирдир.

Бутун Ислом оламига маълум ва машҳурким, бу ўлка барча илмларда, жумладан, Ислом илмларида ҳам жаҳонга донг таратган буюк алломаларни етиштирган. Мазкур илмлар ичида ҳадис, тавҳид, наҳв, фикҳ ва бошқа кўпгина илмлар бор. Биз эса, ҳозир фақат Мовароуннаҳрдаги тафсир ва муфассирлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мусулмонлар келиб фатҳ қилганларидан сўнг, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу диёрларни ҳам Ислом нури билан мунаввар қилди. Ерлик аҳоли

Исломни қабул қилганларидан сўнг, аввалги мусулмонлар янги мусулмонларга Ислом илмларини ўргата бошладилар. Бу илмлар ичида тафсир илми ҳам бор эди. Маълумки, бу диёрларнинг туб аҳолиси Исломдан аввал ҳам баъзи бир илм ва маданият турларидан хабардор эдилар. Ушбу сабабга кўра, аллома Ибн Халдун таъкидлаганидек, уларда Ислом илмларини қабул қилиш ва ривожлантиришга лойиқ малака бор эди. Бир оз вақт ўтиши билан муҳаддислар мадрасаси пайдо бўлди ва улар Қуръон тафсири тўғрисидаги асарларни жамлаган биринчи кишилар, деб эътироф қилиндилар. Уларнинг сардори имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий эдилар. “Кашфи Зуннун” номли китобда зикр қилинишига кўра, у зот “Тафсири кабир” номли алоҳида бир тафсир китоби таълиф қилган эканлар, лекин афсуски, мазкур китоб бизгача етиб келмаган. Шунга қарамасдан, имом Бухорий тафсир илмида улкан асар қолдириб кетган, у зотнинг “Жомеъус-саҳиҳ” китобида Қуръони Карим тафсирига оид мингдан зиёд ҳадис мавжуд.

1-02. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти, фаолияти ва шахсияти

Маҳмуд Замахшарийнинг чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаётлик пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга катта шуҳрат келтирган. Алломанинг чуқур ҳурмат ва меҳр билан “Устоз ал-араб ва-л-ажам”, “Фахру Хоразм” каби шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар, адиблар даврасида у доимо пешволардан бири бўлиб, қизгин илмий баҳслар ва мунозараларда унинг фикри инобатга олинарди. Мана шундай улкан обрў эътибор, эҳтимол, даҳо унинг ўз асарларидан бирида “Ва инний фи Хваразм Каъбат ал-удабо” (“Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир Каъбаман”) деб ғурур ва мамнуният билан ёзишига асос бўлган бўлса керак.

Унинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467-сана ражаб ойининг 27-чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075-йилнинг 19-мартида)

Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда (Бу қишлоқ ҳозирда Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти Тахта туманига қарашли бўлиб, уни маҳаллий аҳоли Измихшир деб атайдиган) таваллуд топган ва шу боисдан ҳам Замахшарий тахаллусини олган. У Маккаи Мукаррамада яшаган пайтида искандариялик шогирди Шихобуддин Аҳмад ибн ал-Хусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида: “Мен Маҳмуд Замахшарий ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг катта бир қишлоғи – Замахшарга мансубман. Замахшар – туғилган юртимдир”, – деб ёзган. Маҳмуд Замахшарийдек буюк зотнинг киндик қони тўкилган Замахшар қишлоғи, алломанинг юрти бўлганлиги туфайли ҳам, кейинчалик жумлаи жаҳонга донғи кетган қишлоққа айланди²².

Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимнинг ўз асрларида келтирилган. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда Ибн Ҳалликон (“Вафоёт ал-аъён”), Ибн ал-Анбарий (“Нузҳат ул-алиббо фи табақат ил-удабо”), Ёқут ал-Ҳамавий (“Муъжам ал-удабо”), Ибн ал-Жавзий (“Ал-мунтазам”), Жалолуддин ас-Суютий (“Буғёт ал-вуот”), Ибн ал-Қифтий (“Инбаҳ ар-рувот”) ва бошқа араб муаллифларининг асарлари асосий манбалар ролини ўтайди. Мана шу муаллифлар келтирган далилий маълумотларни умумлаштирган ҳолда Замахшарийнинг оиласи, ёшлик йиллари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин. Маҳмуд Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат эмас эди, лекин ўз даврининг саводли, анча тақводор диёнатли кишиси бўлган, аксар вақтини Қуръони Карим тиловати ва тоат-ибодат билан ўтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик қилар эди. У хулқ-атвори яхши ширинсухан ва ғоятда ва мурувватли киши бўлиб, бу фазилати билан эл орасида катта обрў-эътибор топган.

22 Ўзбекистон – буюк алломалар юрти, 284 бет.

Маҳмуд Замахшарийнинг онаси ҳам ғоятда тақводор ва диндор аёллардан ҳисобланган. Асарларидан бирида ўз волидаси ҳақида Замахшарий келтирган ушбу маълумотлар унинг онаси бениҳоя оқила бўлганлигидан далолат беради: “Ёшлигимда бир воқеа бўлган эди. Кунлардан бир кун бир чумчукни тутиб олиб, оёқларини ип билан маҳкам боғладим, бироқ чумчук қўлимдан чиқиб кетиб, девор орасига (инга) кириб бекинди. Мен уни индан тортиб чиқариб олдим. Оёғига боғланган ип сикқани натижасида қушнинг оёғи узилиб (кесилиб) тушди. Бундан онам каттиқ хафа бўлиб: “Сен қушни оёғини кесганинг каби худо ҳам сенинг оёғингни кессин”, деб мени қарғади”.

Маҳмуд Замахшарий оиласи муътазилий ақидасига мансуб бўлиб, унинг тартиботларига барча оила азолари каттиқ риоя қилардилар. Маҳмуд Замахшарий ўзининг эътиқодини яширмасдан, аксинча фахрланиб юрган. Айтишларича, у бирор кишининг ҳузурига борса, эшик қоровулига: “Абул Қосим муътазилий келиб, эшик олдида киришга изн сўраяпти, деб айтгин”²³, – деб буюрар экан.

Хуллас, ёш Маҳмуд Замахшарийнинг дунёқараши мана шундай диндор, тақводор, илмли бўлган ота-онанинг таъсирида шаклланди. Мутафаккир шундай қилиб, дастлабки билимини ўз даврининг ўқимишли кишилардан саналган ота-онасидан олди.

Мана шу маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, олимнинг ёшлик йиллари диний, тақводорлик муҳитида шаклланиб, камол топган. Маҳмуд Замахшарий назмий асарларидан бирида ўз ота-онаси-ю, оила аъзоларидан бирортаси на шуроб-у, на бошқа хил ичимликни мутлоқо истеъмол қилмаганлигини алоҳида таъкидлаши бу фикримизни янада ойдинлаштиради. Афтидан, Замахшарийнинг отаси серфарзанд бўлган кўринади, сабаби, у ўз қасидаларидан бирида фарзандлари кўп ва оиласи

23 Абул-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. Тошкент. Камалак. 1992. 10-бет.

катта бўлгани учун ҳам отаси рўзгор тебратиш ва тирикчилик йўлида тинмай меҳнат қилиб, саъй-ҳаракат кўрсатгани ҳақида ёзади.

Бир оёғи чўлоқ бўлиб қолгач, отаси уни оғир меҳнатга ярамайди, деб тикувчилик ҳунарини эгалласин, деган ниятда бир кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Аммо ёшлигидан илмга ҳавасманд Маҳмуд Замахшарий отасидан ўзини мадрасага ўқишни юборишини илтимос қилади.

Ўғлидаги илмга бўлган зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган ота унинг илтимосини бажо келтиради. Маҳмуд Замахшарий отасининг ёрдами билан Хоразмга – мадарасага ўқишга боради. Ана шу пайтдан бошлаб ёш Маҳмуд Замахшарий илм-фаннинг турли соҳалари билан қизиқиб, ўз тенгқурлари орасида зўр қобилият ва катта истеъдодини намоён қила бошлайди. Мадрасада ўқиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмлар мажмуасини тўлиқ эгаллайди. Шу билан бир қаторда ўша даврда илм аҳллари орасида муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам мукамал ўзлаштириб, бунинг натижасида тирикчилигини ҳам бир қадар тузатади.

Маҳмуд Замахшарий асарлари ва рисоалари билан маълум маънода танишмиз. Мутафаккирнинг ҳаёт йўли ҳақида умумий тасаввурга эгамиз. Лекин, унинг шахсияти, оилавий шароити ҳақидаги билимларимиз жуда кам.

Маҳмуд Замахшарий шахс сифатида қандай бўлганлиги, уйланган ёки уйланмаганлиги каби саволлар жуда аҳамиятлидир.

Маълумки, Маҳмуд Замахшарийнинг отаси алломанинг ўсмирлик давридаёқ қамоқхонада вафот этади. Такдирнинг бир зарбаси кетидан иккинчиси, унинг орқасидан учинчиси келаверади. Отаси вафотидан сўнг уларнинг оиласига бош бўлган тоғаси ҳам вафот этади. Ажал бу билан ҳам чекланмайди, у Маҳмуд Замахшарийнинг бобосини, кетидан акасини олиб кетади. Бу тақдир зарбаларидан гандираклаб қолган оила аъзолари ўзларига келмай туриб, бувиси ҳам ҳаётдан кўз юмади. Қаровчисини йўқотган оилага

Маҳмуд Замахшарийнинг амакиси ҳомий бўлади. Буни қарангки, у ҳам бевақт ҳазон бўлади (Қаранг: 1- илова).

Ғам-қайғуга ботган Маҳмуд Замахшарий уларнинг ҳажрида ўртанади, бор алаmidан марсиялар ёзади (Қаранг: 2- илова).

Унинг оиласи тўғрисида маълум қилган айрим фикрлари билан танишсак:

Мутафаккир уйланганлиги ва фарзандлари бўлмаганлигини ўз девонларида кўрсатган (Қаранг: 3- илова).

1-03. Маҳмуд Замахшарий дунёқарашининг шаклланиши

Албатта, ҳар бир аллома дунёқарашининг шаклланишида турли омиллар таъсир қилиши мумкин. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини яхши англашимиз учун биринчи ўринда, у яшаган давр муҳитини, давлат тузумини, бундан ташқари, жамият руҳини яхши ўрганмоқ лозим. Чунки инсонни тарбиялайдиган, унинг дунёқарашини шакллантирадиган, ҳаттоки, унинг интилишлари йўналишини белгилаб берадиган омил ижтимоий муҳитдир.

Биринчи омил – ижтимоий муҳит. Маҳмуд Замахшарийнинг ёшлик йиллари салжуқийлар ҳукмдори султон Маликшоҳ ва унинг машҳур вазири Низомулмулк даврига тўғри келди. Бу ҳукмдорлар илм-фан ва маданият равнақи йўлида улкан ишларни амалга оширгандилар. Айниқса, илм-фан ва маърифат ҳомийси сифатида бутун Шарқда донг таратган бош вазир Низомулмулк олимларга, шоиру адибларга катта эътибор берарди.

Мутафаккир яна сафарга отланиб, Салжуқийлар давлатининг пойтахти Исфаҳонга келади. Салжуқийлар султони Муҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ адолатлилиги, гўзал хулқ-атвори ва жасурлиги билан машҳур эди. Маҳмуд Замахшарий султоннинг хайрли ишларига бағишлаб мадҳиялар ёзади. Шундан кейин ҳам Замахшарий фаолиятида подшоҳу ҳукмдорларга мадҳиялар маълум даражада ўз аксини топган, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, бир қатор салжуқий ҳокимларга бағишлаб мадҳиялар битгани ҳақида илмий

тадқиқотларда алоҳида қайд қилади. Салжуқийларнинг подшоҳи Муизиддин Санжар (у 1117 – 1118 йилларда ҳокимлик қилган) у мадҳ қилган ҳокимлардан бири ҳисобланади. Шу воқеалардан кейин барибир Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Ануштегин (1096 – 1127) билан боғланган. Унга бағишлаб мадҳиялар ёзади. узининг машҳур “Муқаддимат ул-адаб” (“Адабиётга кириш”) ини Муҳаммад Ануштегиннинг ўғли Отсизнинг илтимосига кўра ёзади ва “Муқаддимат ал-адаб” да султоннинг ўғли Хоразмшоҳ Отсизнинг (1127 – 1156) илм аҳллари ва адибларига нисбатан ғамхўрлигини алоҳида таъкидлайди. Маҳмуд Замахшарийнинг бу асарига зўр қизиқиш билан қараган Отсиз ўз шахсий кутубхонаси учун ундан бир неча нусха кўчиртирган эди.

Маҳмуд Замахшарий дунёқарашинг шаклланишида юқоридаги шоҳ ва вазирларнинг таъсири катта.

Иккинчи омил – бу мутафаккирнинг диний-этикодидир. Чунки Маҳмуд Замахшарий ўз қарашларини ўз этикодидан келиб чиққан ҳолда баён этади. Унинг этикодий жиҳатдан аввало мусулмон, қолаверса, муътазилий бўлганлигини юқорида кўрсатган эдик. Унинг бу оқимдалиги биринчидан ота-онасининг ҳам шу оқимдалиги бўлса, иккинчидан устози Абу Музар Маҳмуд ибн Жарир Заббий Исфаҳоний ҳам муътазилий эканлиги ҳам унга ўз таъсирини кўрсатган. Урганчда Маҳмуд Замахшарий Абу Музардан дарс олади. Абу Музар кучли тилшунос бўлиб, у тил илмида “Фариду-л-аср” ва “ваҳиду-д-дахр” (ягонаи даврон) эди. Бу олим бир қанча вақт Хоразмда истиқомат қилади, ўзининг чуқур ва ҳартомонлама билими, хушфёъллиги, олижаноблиги билан шуҳрат қозонади ва кўплаб адиб, тилшунос олимларни етиштиради. Абу Музар муътазилий бўлиб, муътазилани Хоразмга ҳам ёйган аллома эди.

Маҳмуд Замахшарийнинг ўткир зеҳни ва тиришқоклигини кўрган Абу Музар уни ўзига шогирд қилиб олади ва ундан ўзининг илмий ва моддий ёрдамини сира аямасдан ҳар тарафлама тарбиялайди. Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз устозига қаттиқ ихлос қўйиб, унинг билим ва ахлоқий фазилатларини мукамал ўзлаштиришга ҳаракат қилади ва ундан

муътазийликни ҳам қабул қилган. Абу Музар аз-Замахшарийнинг асосий ва энг севимли устози бўлган. Абу Музар вафот этганда унга соҳиби маййитлик қилган, марсия ёзган.

Араб тарихчиси Ибн Халликоннинг (1211 – 1288) ёзишича, талабалик ёшига (12 ёшларга) етгач, ўз илмини ошириш ва ҳар томонлама мукаммал билимга эга бўлиш мақсадида у Бухоро шаҳрига йўл олади. Чунки Бухоро ўша пайтда, машҳур филолог олим Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961 – 1038) ибораси билан айтганда, “Сомонийлар давридан бошлаб шон-шухрат макони, салтанат қаъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой эди”. Бу ерда Шайхулисом Наср Ҳорисий, Абусаъд Шакконий ва Абулхаттоб ибн Абулбатир сингари устоз олимлардан дарс, таълим-тарбия олади.

У Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил хоразмшоҳлар хизматида бўлиб, котиблик қилади. Ҳукмдорлар билан яқин бўлишга интилади. Бирок, қобилияти, илми ва фазилатларига яраша муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларга сафар қилади, ўз матлабу мақсадининг ушалишига умид боғлайди. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, Замахшарийнинг ёшлик йиллари салжуқийлар ҳукмдори султон Маликшоҳ ва унинг машҳур вазири Низомулмулк даврига тўғри келди. Бу ҳукмдорлар илм-фан ва маданият равнақи йўлида улкан ишларни амалга оширгандилар. Айниқса, илм-фан ва маърифат ҳомийси сифатида бутун Шарқда донг таратган бош вазир Низомулмулк олимларга, шоиру адибларга катта эътибор берарди.

Шу вақтда хоразмшоҳлар давлати Буюк Салжуқ салтанатига тобе вилоятлардан эди. Шу боисдан ҳам ўз эли Хоразмда етарли обрў-эътибор топмаган Замахшарий салжуқийлар вазири Низомулмулк хизматида киради. Унга мадҳия тарзида бир қасида ёзади. Ушбу қасидада ўз юртида илмига ва қобилиятига яраша мартабага эга бўлиб, етарли иззат-икром кўрмаганлиги, ўзининг юқори лавозимларга муносиб эканлиги ва бу орзусига эришиш учун илм-фаннинг қадрини биладиган Низомулмулкдан умидвор бўлиб келганлиги

ҳақида ёзади. Бироқ бу сафар ҳам унинг омади юришмай, орзу қилган мартабасига эриша олмади.

Бир муддат Бағдодда тургандан кейин у яна сафарини давом эттириб, Маккага боради, Макка аҳли, айниқса, унинг амири Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамза аш-Шариф ал-Ҳасаний ибн Ваҳҳос Замахшарийни яхши кутиб олади. Амир фозил, илмли киши бўлиб, у бир қанча назмий, насрий асарларнинг муаллифи ҳам эди. У Маҳмуд Замахшарийнинг Маккага келишини қизғин табриклайди. Уни ғоят улуғлаб кадр-қимматини муносиб баҳолайди.

Маҳмуд Замахшарий ҳам у билан танишганидан беҳад қувониб, иккала олим бир-бирининг илму заковатидан баҳраманд бўлиб билим даражаларини оширадилар. Икковлари дўст тутиниб, ҳатто бир-бирларига бағишлаб қасидалар ҳам битадилар. Маҳмуд Замахшарий Ҳижозда бўлган пайтида Яманни ҳам зиёрат қилганлиги айрим манбаларда қайд этилган. Қасидаларидан бирида олимнинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳикоя қилади. Арабистон ярим оролининг барча минтақаларини зиёрат қилади. Ат-Тоифдан тўрт кунлик йўлда жойлашган бир водийнинг тупроғию аҳли ўзига ёқиб қолганлиги ҳақида тўлқинланиб ёзади.

Маккада икки йилча яшаганидан кейин юртини қўмсаб ватанига қайтади. Лекин бир неча йил ўтгач, Маккадан кетганидан қаттиқ пушаймон бўлиб, ҳатто алам-ҳасратидан йиғлашгача етади. Ўзининг бу ҳолатини олим бир қанча қасидаларида ифода этади. Унинг қариндошлари “ўз умринингнинг анча қисмини Маккада ўтказдинг, яна Маккага кетаман дейишининг боиси нима?” – деб сўраганларида, у: “Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагина ҳис қилиш мумкин”, деб жавоб қилади. Шундан кейин иккинчи марта Макка томон йўл олиб, Дамашқда тўхтади. Дамашқ ҳокими Бўри Тағтакинга бағишлаб шеърлар ёзади. Чунки у диний масалаларда ихтилофлар чиқарган ботиния оқими тарафдорларига қарши курашган бўлиб, улардан олти мингини ўлдирган эди. Шунингдек, у Дамашқ мусулмонларини салибчилардан ҳимоя қилиб, уларга қарши Дамашқда яшовчи араб ва туркманларга раҳнамолик қилиб, салибчиларни 523 ҳижрий (1123) йилда мағлуб қилган эди.

Шу 1123 йилнинг ўзида у Дамашқдан чиқиб, Маккага етиб боради ва уч йил мобайнида бу муқаддас шаҳарда яшайди. Макканинг амири Ибн Ваққос бу сафар ҳам Замахшарийни қизгин қарши олиб, унга ғоятда иззат-икром кўрсатади. У эътиқод қилган оқимини (муътазилияни) маъқул топиб, олимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шу пайтда Ибн Ваққоснинг самимий ёрдамидан илҳомланган Замахшарий ўзининг Қуръони Карим тафсирига бағишланган машҳур асари “Ал-Кашшоф” ни (бу асар ҳақида қуйироқда маълумот берганмиз) ёзиб тугатади. Ўз ҳаётида чуқур из қолдирган Маккада у ҳаммаси бўлиб беш йилдан ортиқ яшайди. Шу боисдан у Жоруллоҳ “Аллоҳнинг қўшнисини” деган шарафли лақабга муяссар бўлиб, бутун мусулмон оламида таниқли олимлардан бирига айланади. Сўнгра ўз юрти Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин 583 ҳижрий йилнинг арафа кечаси (1144 милодий) Журжония (ҳозирги кўҳна Урганч) да вафот этади ва шу жойда дафн этилади. Маҳмуд Замахшарий вафотини эшитган Макка аҳолиси ғоятда ғамгин бўлиб, қаттиқ хафа бўладилар. Ҳатто Макка шоирларидан бири алломанинг вафотига бағишлаб қўйидаги марсияни битган экан:

Жоруллоҳ Маҳмуд Замахшарий вафотидан топгач хабар

Макка аҳлининг кўз ёшлари тўхтамай оқар.²⁴

Алломанинг вафотидан кейин деярли икки юз йил ўтгач, яъни 1333 йилда Хоразмни зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304 – 1377) ўзининг «Ар-Риҳла» («Саёҳатнома») номли асарида Хоразм (Кўҳна Урганч) нинг ташқарисида Замахшарийнинг устида қуббаси бўлган мақбарасини кўрганлиги ҳақида ёзади.

24 У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома. 19-бет.

II БОБ. МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА АХЛОҚИЙ МЕРОСИ

Буюк аллома Замахшарийнинг бой илмий ва адабий мероси Шарқда ҳам Ғарбда ҳам азал-азалдан қадрланиб, ўрганилиб ҳамда бер неча хорижий тилларга ҳам таржима қилиниб келмоқда. Буюк мутафаккир бизга бой ва улкан илмий мерос қолдирган. Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннинг кўпгина соҳаларини қамраб олади. Олимнинг асарларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

А. Диний илмлар.

- ✓ Тафсиршунослик;
- ✓ Луғатшунослик;
- ✓ Грамматика;
- ✓ Аруз;

Б. Дунёвий илмлар.

- ✓ Фалсафа;
- ✓ Тарих;
- ✓ Адабиёт;
- ✓ Мантик;
- ✓ География.

Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари, айниқса мустақиллик йилларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биз ёшларни иймонли, эътиқодли, маънавий етук, илмли, комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг таҳлили шуни кўрсатадики, у асосан ижтимоий-гуманитар йўналишда асарлар яратган.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросида жуда кўп ўлмас асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар жаҳон тафаккури ва маънавияти хазинасига дурдона асарлар сифатида киритилган. Унинг асарларининг аксарият қисми филология соҳасига тааллуқли бўлса-да, баъзи асарларидан унинг фалсафий ва ахлоқий қарашлари ҳақида маълумот оламиз.

Қуйида алломанинг бизгача етиб келган асарларидан баъзилари ҳақида озгина бўлса ҳам тўхталиб ўтсак.

Тилшунослик ва грамматиканинг турли масалаларига оид асарлар Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид “Ал-Муфасссал” номли асарини у Маккада яшаган пайтида, икки йил (1119 – 1121) давомида ёзган. “Ал-Муфасссал” араб тили нахву сарфини ўрганишда муҳим дастурий манба сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шуҳрат топган асарлардан ҳисобланади. Кўпчилик олимлар ўз илмий қиммати жиҳатидан Замахшарийнинг бу асари таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг (вафоти 796 йил) араб грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Бу асар ўша даврнинг ўзидаёқ араб халқлари орасида катта эътибор қозонади ва араб тилини мукаммал ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалади. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга ва бош-оёқ сарпо совға инъом қилишини ваъда берган. Биргина шу мисолнинг ўзиёқ Маҳмуд Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юксак баҳоланганлигини кўрсатади. Бу қимматли асарнинг олтита қадимий қўлёзма нусхалари Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади. Уларнинг энг қадимийси №11459 рақами остидаги нусха бўлиб у 1357 – 1358 йилларда ҳаттот Қутбиддин Шерозий томонидан кичик насх хатида кўчирилган.

“Муқаддамат ул-адаб” Алломанинг Хоразмшоҳ Алоуддин Абул-Музаффар Отсиз (1127 – 1156) га бағишлаб ёзилган «Муқаддимат ул-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, араб лексикаси ва грамматикасига оид асар форсча, баъзи нусхалар хоразмча, туркча ва мўғулча таржималари билан берилган. Асар 5 қисмдан иборат:

1. исм туркумига кирувчи сўзларнинг бирлиги ва кўплиги;
2. феъллар;
3. кўмакчи сўзлар;

4. отларнинг турланиши (жинс ва сон)

5. феълларнинг тусланиши.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари устида кўп йиллардан буён илмий тадқиқотлар олиб бораётган филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исломовнинг ёзишича, бизгача асарнинг арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-хоразмийча икки тилли, арабча-форсча-туркий уч тилли, арабча-форсча-туркий-мўғулий сўзлик киритилган тўрт тилли қўлёзмалари етиб келган. Дарҳақиқат, алломанинг бу асари тилшуносликка оид юксак билим, етарли илмий малакани ўзида мужассам этган бўлиб, яратилган давридан бошлаб ҳозирга қадар ноёб қомусий манбалардан бири ҳисобланади.

Бу муҳим асарнинг йиғма илмий-танқидий матни 2002 йилда З.Исломов томонидан “Тошкент ислом университети” нашриётида чоп этилган²⁵.

“Асос ул-балоғат” (“Балоғат асослари”) алломанинг бу асари араб тилининг изоҳли луғати, бунда сўзларнинг ҳақиқий маънолари берилган бўлиб, бу асарнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Қуръони карим;
- ✓ Пайғамбар ҳадислари;
- ✓ Умар, Али каби халифалар, саҳобалар ва бошқа фасоҳатли нотикларнинг қалимаю сўзлари;
- ✓ Жоҳилия, исломдан аввалги ва ислом шоирларининг шеърлари;
- ✓ Масаллар;
- ✓ Араблар насрий асарларида қўлланилган иборалар.

Олимнинг «Асос ул-балоғат» («Балоғат асослари») асарида араб тилининг фасоҳати ва мукаммаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан ўринли ва усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат ва балоғат илмларидан яхши хабардор

25 Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб (феъллар)./ матн тузувчи З.Исломов.- Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2002.

бўлиши керак эди. Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари ва уларни амалда татбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил этилган.

“Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис” (“Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи”). Кам ва кўчма маънода қўлланадиган араб сўзларининг изоҳли луғати. Ҳайдарободда ва Қоҳирада босилган. Қўлёзма нусхалари кўп, Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалари институтида ҳам бор.

«Ал-Жибол ва-л-амкина ва-л-миёҳ» («Тоғ, манзил ва сувлар»). Топонимик асар. Лотинча таржимаси билан Лейденда нашр қилинган.

«Аъжабу-л-ъажаб фи шарҳи ломияти-л-ъараб» («Ломияту-л-ъараб» шарҳи ҳақида қизикдан қизик фикрлар). Жоҳилия давридаги араб шоирларидан Асад ибн Жобир Шанфарийнинг «Ломияту-л-ъараб» номли шеърига шарҳ. Истанбул ва Қоҳирада чоп қилинган.

«Ал-унмузаж» («Ўрнак») «Ал-муфасссал» нинг мухтасари. Истанбул ва Қоҳирада босилган.

«Ал-муҳожот би-л-масоили-н-наҳвия» («Грамматика масалалари ҳақида фикрлашиш») ёки «Ал-аҳожийи-н-наҳвия» («Грамматик жумбоқлар»). Миср миллий кутубхонасида қўлёзма нусхаси сақланади.

«Ал-қустос фи-л-аруз» («Аруз ўлчови»). Лейден ва Берлинда қўлёзмалари бор. Шу қўлёзмалардан бирининг фотонусхаси Тошкент Давлат университетининг (ЎЗМУ) асосий кутубхонасида сақланади.

«Навобиғу-л-калим» («Ҳикматли сўзлар»). Ушбу асар ахлоқшуносликнинг нозик мактаби сифатида эътироф этилади. Асарда тарбия, маънавият, баркамолликка оид пандлар, илмли бўлиш, илм-маърифатнинг қудрати, олим кишиларни ҳурматлаш каби насиҳатлар ўрин олган. Асардаги ҳикматларда инсонлардаги тўғрилиқ, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, эзгулик, меҳр-оқибат каби фазилатлар улуғланади, саводсизлик, илмсизлик каби иллатлар эса қораланган. Бу асарнинг ўзбекча

нашри ҳам бўлиб, у 1992 йил ўзбек шарқшунос олими У. Уватов томонидан таржима қилинган.²⁶ Ҳозирда асарнинг тошбосма нусхалари ЎзРФАШИ да 3938, 8319, 7104 ашёвий рақам остида сақланмоқда.

«Мақомоту-3-». Эллик мақомадан иборат дидактик асар. Бу мақомалар турли хил мавзуларни ўз ичига олган бўлиб, мажлисларда, ўтиришларда панд-насихат, ўғит тариқасида сўзланадиган ҳикматли сўзлар, бадий санъатлар, шеърӣ парчалар, масаллар, ҳикоятлардан иборат. Бу асарни унинг ўзи шарҳлаб, алоҳида асар ёзган ва уни «Шарҳу мақомоти-3-» деб атаган. Бу икки асар биргаликда Қоҳирада нашр этилган.

«Ал-мустаксо фи амсоли-л-араб» («Араб масал-матал, мақолларини ниҳоясига етказувчи»). Бу асарда 3500 га яқин мақол тўпланган. Ҳайдарободда нашр қилинган.

«Атвоқу-3-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» («Ўғит ва насихатларнинг олтин шодалари»). Юз мақолалик панд, насихат, яхши хислатлар ва ҳикматли сўзлардан иборат асар. Унда салбий ва ижобий хислатлар ҳақидаги масаллар, ривоятлар, ибратомуз ҳикматлар, одоб-ахлоққа оид фойдали панд-насихатлар тўпланган. «Атвоқ уз-заҳаб» нинг биттагина қўлёзма нусхаси (инв.№4877) ЎзРФАШИда мавжуд.

«Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-аҳёр» («Яхшилар баҳори ва фозиллар ахбори»). Асар 98 бобдан иборат бўлиб, унга ҳаётнинг турли жабҳаларига бағишланган мақол-масаллар, фойдали маслаҳатлар, ибратли ҳикмат ва ўғитлар жамланган. Ҳар бир бобда алоҳида мавзу ёритилган. Масалан: меҳр-мурувват (12 боб), бахт-иқбол (14 боб), ҳаё (21 боб), сабр (38 боб), ростгўйлик (41 боб), фаросат (47 боб), инсоф (52 боб), садоқат (88 боб), жасорат (89 боб) сингари инсондаги фазилатлар улуғланган бўлса, жаҳолат (17 боб), тил билан жароҳат етказиш (19 боб), ёлғон гапириш (22 боб), ҳақорат (49 боб), адоват (51 боб), дангасалик (53 боб) каби иллатлар қораланган. Ҳозирда асарнинг ягона қўлёзма нусхаси ЎзРФАШИ

26 Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарӣ. Нозик иборалар/ У.Уватов таржимаси.- Т.:Камалак,1992.

(инв№2384) сақланмоқда. Асарнинг Лейден, Берлин, Санкт-Петербург, Қоҳира, Пешовар, Бағдод қўлёзма нусхалари мавжуд.

«Ан-насоиху-с-сиғор ва-л-баволиғу-л-кибор» («Кичиклар ихлоси ва улуғлар етуклиги»). Қўлёзмаси Қоҳирада сақланади.

«Ал-Қасидатул-л-Баъузийя ва ухро фи масоили-л-Ғаззолий» (Ғаззолий масалаларида «Баъузийя» қасидаси ва бошқалар). Қўлёзмаси Берлинда сақланади.

«Нузхату-л-мустаънис» («Шодлик талабгорининг қувончи»). Қўлёзмаси Туркияда сақланади.

«Девону-з-Замахшарий» («Шеърлар тўплами»), Қўлёзмаси Миср миллий кутубхонасида сақланади.

«Ал-Кашшофу ан ҳақоиқи ғавомизу-т-танзил ва уюну-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил» («Қуръондаги берк ҳақиқатлар очкичи ва изоҳлаш йўллари ҳақида ривоятлар кўрсаткичи»). Қисқача «Ал-Кашшоф» деб аталадиган бу асар Қуръон тафсирига бағишланган. Бу асарида қуръоннинг филологик қиммати жуда катта эканлигини исботлайди. «Ал-Кашшоф» Туркия, Ҳиндистон ва Мисрда кўп бора нашр этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Арабу ажам устози ўзидан кейин бой илмий ва адабий мерос қолдирдики, унинг асарлари бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, хусусан, истиқлолга юз тутган Ўзбекистон учун бу олимнинг юксак савиядаги илму таълимни тараққий йўлига солиш учун ўта муҳимдир.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиғ-ул-калим”, “Атвоқ-уз-заҳаб” ва бошқа асарларида фалсафий қарашларини кўрсак, “Ал-Кашшоф” да эса мутафаккирнинг метод ва принциплари қандай бўлганидан маълумот олишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Замахшарийнинг меросидан таълим ва тарбияда қуйидаги мақсадларга самарали фойдаланиш мумкин:

1. Илм ҳақиқатини англаш ва таълимнинг жамият ривожининг бош омили эканлигига қаноат ҳосил қилиш.

2. Аҳолини хурофоту жаҳл зулматидан қутқариб, ҳидоят нуридан баҳраманд қилиш.

3. Тил ўқитишдаги ёмон иллатларини бартараф қилиб, уни олий савияга кўтариш, жумладан, мазмунли дарсликлар ва оммабоп илмий китоблар яратиш.

4. Эл, хусусан шоир, ёзувчи ва қаламкашларнинг нутқини ҳозирги тубанликдан ва унинг сафдош-халафлари даражасидаги юксакликка кўтариш.

5. Ҳамма учун баробар бўлган қонунга асосланган адолат, шахс эркинлиги, мулк дахлсизлиги ҳамда турмуш фаровонлиги давлатнинг мустақамлигини таъминловчи устунлар эканлигига иймон келтирган сиёсатчиларни етиштириш.

2.1. Маҳмуд Замахшарий ва муътазила таълимоти

Қадарийлар таълимотини кейинчалик ўз устозлари Ҳасан ал-Басрийни (624 – 728) тарк этган шогирдлари бўлган муътазилийлар (арабча муътазила – ажралиб чиққанлар) ривожлантирдилар. Муътазила таълимотининг асосчиси Восил ибн Ато (699 – 748) эди. Бу ўз таълимотини ақлга таяниб баён қилувчи ва шу даврга келиб Араб халифалигига Искандария орқали кириб келган юнон мантиғи ва фалсафасининг тушунча ва усулларида фойдаланган биринчи фалсафий илоҳиёт мактаби эди.

Муътазила оқими тарихида муайян мутафаккирларнинг номи билан боғлиқ бўлган кўплаб гуруҳлар мавжуд эди. IX ва X асрлардаги асосий мактаблар Басра ва Бағдод мактаблари эди.

Аббосий халифалардан Маъмун, Муътасим ва Восиқ ҳукронлиги давларида (827 – 851) муътазилилик таълимоти халифаликда расмий эътиқод сифатида танилган. Бу оқим вакиллари Дамашқ ва Бағдод халифалиги ҳаётида XI – XIII асрларда муҳим ўрин тутганлар. Ҳасан ал-Басрий (вафоти 728 йил) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (699 – 748) ва Амр ибн Убайд (вафоти 761 йил) ларнинг ажралиб, алоҳида бўлиб

чиқишларидан бу ном қолган. Уларнинг бошқа номлари: ал-адлийюн, ал-адлийя, аҳл ал-адл; аҳл ад-адл ват-тавҳид каби номлари муътазилийларнинг манбаларига биноан 5 асоснинг биринчиси иккинчиси туфайлидир. Бу 5 та асос Абул Ҳузайл ал-Аллаф (вафоти 841 ёки 849 йил) томонидан қуйидаги сўнгги ҳолига келтирилади:

1. Адолат (адл) – илоҳий адолат инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларида озод бўлишини ва Худонинг фақат “яхши” (ал-аслах) ни ярата олишини назарда тутди. Ундан ҳеч қандай ёмонликнинг чиқиши мумкин эмас. Бу нарса ирода эркинлигига асос бўлади ва тақдирнинг азалдан белгиланганлигини рад этишга олиб келади.

2. Яккахудолик (тавҳид) – кўпхудолик, антропоморфизм (одамларга хос хусусиятларнинг нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб ҳисоблайдиган ибтидоий тафаккур), ҳамда илоҳий моҳиятдан фарқ қилувчи илоҳий сифатларнинг ҳақиқийлиги ва чексизлигини муайян моҳиятлар ёки рамзлар эканлигини рад қилувчи Худо ҳақидаги таълимот.

Муътазилийлар илоҳий моҳиятлар билан бир хил ҳисобланадиган моҳиятлар сифатини (билим, ҳокимият, ҳаёт) фарқ қилар эдилар. Шунинг учун уларни чексиз ҳисоблаб, ҳаракатлар сифатини (ирода, эшитиш, нутқ) яратилган деб қараб, уларни замон билан бирга ўсиб боровчи ва ўзгарувчи ва шунинг учун ҳам илоҳий моҳиятдан фарқ қилувчи, деб билар эдилар. Ана шу ердан антропоморфизмни рад этиш ва Қуръоннинг яратилганлигини тан олиш келиб чиқар эди.

Антропоморфизмни рад этиб, улар Худонинг сифатларини ҳам рад этдилар. Уни ягона, мавҳум, бўлинмас, аниқлаб бўлмайдиган ва билиб ҳам бўлмайдиган, деб талқин қилдилар. Абадийлик фақат Худогагина хос бўлганлигидан, Қуръон абадий бўла олмайди, негаки, бу нарса икки томонлама мангуликка олиб келади. Демак, Қуръон Худо томонидан яратилган ва унинг томонидан ижод қилинган нарсалардан биридир.

3. Ал-ваъд вал-ваид (савоб ишлар учун мукофот, ваъда ва гуноҳлар учун жазо билан кўрқитиш) – хорижийлар билан ажратилган хусусиятлари,

яъни Худо мўминларга жаннат, кофирларга дўзах ваъда қилган бўлса, ўз ваъдасида туриши лозим, яъни Пайғамбар (с.а.в.) шафоатларию, Аллоҳнинг Раҳмон, Раҳим сифатлари ҳам ёрдам бермаслиги керак. Чунки инсон хатти-харакати учун тўлиқ жавоб бериши лозим.

4. Ўртача ҳолат (ал-манзила байна-л-манзилатайн) – оғир гуноҳ қилган мусулмон, эътикод қилувчилар сафидан чиқади (уни илгаригидек динга ишонувчи ҳисобловчи либерал муржийларга қарама-қарши), аммо динсиз бўлиб қолмайди (қатъиятли хаворижлар таълим бергандек) ва улар ўртасида ўртача ҳолатда қолади. Восил ибн Ато бундай мусулмонларни гуноҳкорлар (фосик) деб атади, Ҳасан ал-Басрий эса – иккиюзламачилар (мунофик) деб ҳисоблади. Бу нарса улар ўртасидаги ихтилофга сабаб бўлди. Муътазилийлар фикрича, гуноҳкор одам мусулмон жамоаси аъзоси сифатида ўз ҳуқуқларини сақлар, аммо халифа ёки имом бўлиб сайлана олмас эди.

5. Ал-амр бил-маъруф ван-наҳй анил-мункар (“Яхшиликка даъват ва ёмонликдан қайтариш”) – ушбу муътазилийлар, хорижийлар ва шиалар учун умумий қоида бўлиб, ҳар бир мусулмонни барча воситалар билан хайрли ишлар ғалабаси ва ёмон ишлар заволи учун курашга чақиришдир. Муътазилийлар бу ишни одатда сиёсий масалалар билан боғлиқ равишда олиб қарадилар. Муътазилийларнинг инсоннинг ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотлари уларнинг душманларига муътазилийларни қодирийларга мансубликда айблашларига асос бўлди. Муътазилийлар бундай мансубликни рад этар эдилар.

Муътазилийларнинг қазо ва қадар масаласидаги фикрлари қадарийларникига яқинлиги учун уларни қадарийлар деб ҳам аташади, лекин уларнинг ўзлари буни инкор этадилар. Аллоҳнинг зоти ва сифати ҳақида жаҳмийларнинг фикрлари билан яқин бўлганлиги учун уларни бир-биридан ажратмайдилар.

Улар Умавийлар давлатига рақобатчи бўлиб фаолият кўрсатдилар. Зайдийларга бўлган хайрихоҳликлари туфайли Аббосийлар салбий

муносабатда бўлдилар. Айникса, Ҳорун ар-Рашид даврида таъқиб остига олинадилар. Лекин Маъмун ва ундан кейинги 2 халифа ал-Муътасим ва ал-Васиқ даврларида (813 – 847) муътазилийларнинг мавқеи халифаликда моҳиятан ўзгарди. Уларнинг баъзилари йирик давлат мансабларига чиқдилар. Муътазилийлар фаолияти бошқа ақлий тамойилдаги мутафаккирларники каби давлат томонидан рағбатлантирилди. Қуръон “яратилганлиги” ҳақидаги муътазилийлар ва жаҳмийлар учун умумий бўлган қоида илоҳиётчиларнинг мавжуд ҳокимиятга хайрихоҳлигини мезон сифатида қораланади. Лекин халифа ал-Мутаваккил ҳукмронлигида (847 – 861) яна таъқиб остига олиндилар. Бувайҳийлар даврида (945 – 1055) муътазилий Абдул-Жаббор (вафоти 1025 йил) мактаби яна ривожланди. XII – XIII асрларда эса муътазилийлар фикри Хоразмда ҳам кенг ёйилди.

Маҳмуд Замахшарий бу таълимотнинг изчил тарафдори эди. Муътазилийларнинг ақлий талқинлари ва бир қатор илоҳий-фалсафий таълимотлари, кейинчалик юзага келган калом оқимлари бўлган – ашъарийлик ва мотирудийликка таянч бўлди. Муътазилийлар фаолияти юнон фалсафий анъаналари йўналишидаги фалсафий тафаккурнинг шаклланишига ёрдам берди.

Шарқ аристотелизмнинг асосчиси Ал-Киндий (800 – 879) нинг фалсафий қарашлари муътазилийлар таълимотига жуда яқин эди. Шунинг учун халифа Мутаваккил даврида у ҳам таъқиб остига олинган. Киндийнинг фикрича: оламнинг яратувчиси Аллоҳ бўлиб, у азалий ва танҳо, лекин табиатдаги барча нарсалар материядан ташкил топган, материя эса олов, сув, ҳаво ва тупроқдан иборат. Киндий материя, шакл, фазо, вақт ва ҳаракатдан иборат 5 субстанция концепциясини илгари сурган. У биринчи бўлиб ақлнинг 4 хил (ақлий, имконий, эришилган ва намоён бўладиган тарзда) кўриниши ҳақида фикрлар мажмуасини ишлаб чиққан.

Муътазилийлар тарихда доим бир-бири билан мусобақада бўлувчи бир қанча гуруҳларга бўлинганлар. Уларнинг энг йириги ва асосийси IX – X асрда: Басра ва Бағдод мактаблари эди. Басралик даврада: Муъаммар ибн

Аббад (вафоти 830 йил), Абул Ҳузайл ал-Аллаф ан-Наззам (вафоти 835-36 ёки 845 йил), ал-Жоҳиз (вафоти 868-69 йил), Абу али ал-Жуббой (вафоти 915 йил) ва унинг ўғли Абу Ҳошим (вафоти 933 йил) энг йирик вакиллари эдилар.

Бағдоддаги даврага Бишр ибн Ал-Муътамир (вафоти 825 йил) асос солган бўлиб, бу даврада Сумама ибн ал-Ашрас (вафоти 828 йил), ал-Мурдар (вафоти 840), Аҳмад ибн Абу Довуд (вафоти 854 йил), ал-Хайёт (IX аср) ва ал-Каъбий (вафоти 929 ёки 931 йил), **Жаҳм ибн Сафвон ат-Термизий, Роси би ас-Самарқандий** кабилар фаолият кўрсатганлар.

Бу икки давра ўртасидаги мувоҳаса мазмунини муътазилий Абу Рашид ан-Найсабурий (вафоти 1024 йил) нинг “ал-Масаил фил хилоф байнал басрийин вал-бағдадийин” (Байрут, 1979 й.) китоби очиб беради.

Ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирардилар. Илк муътазилийлар халифа албатта қурайшлик бўлиши шарт эмас деб, кейинги даврларда эса қурайшлик лойиқ одам бўлса, бошқа киши халифа бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблардилар. Уларнинг фикрларича, Аллоҳнинг буйруғи ёки имомнинг ўзи тайинлаб кетиш билан имом бўлинмайди, балки унинг келиб чиқишидан қатъий назар мусулмон жамоасидан сайланиши лозим; хорижийлар таълимотига ўхшаб имомнинг адолат этиш сифати энг муҳим деб ҳисоблайдилар ва ўзларининг 5 ақидаларига кўра адолатсиз имомни ҳатто куч билан бу лавозимдан четлатиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Юқорида кўрилдики, муътазилиликда бешта асосий принцип бор эди. Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз асари, яъни муътазилилик руҳида ёзилган “Ал-Кашшоф” ида эса муътазилиликнинг ўнта асосий принципини келтириб ўтади. Булар қуйидагилардир:

1-Тавҳид

2- Адолат

3- Ақл

4- Ризқ

- 5- Ал-ваъду вал-ваъид
- 6- Ал-манзила байнал манзилатайн
- 7- Шукр
- 8- Шафоат
- 9- Амри маъруф нахи мункар
- 10- Қуръоннинг махлуқ эканлиги масаласи.

Бу принциплар инсондан одил бўлишни, ёмонликдан узоқлашишни, яхшилик қилишни ва бошқаларни ёвузликдан қайтариб, эзгуликка ундашишни талаб қилади. Асарларида мана шу фалсафий қараш ва шу фалсафага асосланган эзгу ният ва хайрли ишларга даъват акс эттирилган.

2.2. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари

Маҳмуд Замахшарийнинг сиёсий қарашларини ифода этишда ҳам унинг “Навобиг-ул-калим” китоби эътиборга молик. Бу китобда унинг сиёсий қарашлари асосан қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

- ✓ давлат ва тузумга оид
- ✓ ҳукмрон доираларга оид
- ✓ уруш ва низоларга оид
- ✓ халқларга оид.

Шу ўринда Замахшарийгача яшаган алломаларнинг сиёсий фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда давр ва муҳитнинг таъсирида келиб чиққан ҳолда хилма-хил фикрларнинг шоҳиди бўламиз. Масалан, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида билдирилган қарашларда сиёсий фалсафа устун бўлса, Абу-л-Ҳасан Омирийнинг (ваф. 991) “ас-Саъодат ал-асъад” (“Олий бахт”) асарида салтанатга асосланган сиёсатнинг устунлигини кўрамиз. Абу-л-Ҳасан Мавардий (ваф. 1050) эса ўз сиёсий фикрларини фикҳий масалалар билан боғланган ҳолда тушунтиради. Низомулмулк “Сияр ул-мулк” ёки “Сиёсатнома” асарида давлат бошқарувини ва давлат функцияларини тўғридан-тўғри ҳукмдорнинг фаолияти билан кўрсатган бўлса, Имом Ғаззолий эса ўз сиёсий

қарашларини ислом шариати билан боғланганлигини кўрамиз. Замахшарий ҳам давлат тузумига оид қарашларида ўзининг эътиқоди жиҳатидан ёндошади. Исломий эътиқоди унинг наздидаги давлатни ҳам шундай – шариат аҳкомлари ва пайғамбар алайхиссаломнинг таълимотига асосан бўлишни талаб қилди.

Маҳмуд Замахшарийнинг қарашларида давлатни ушлаб турадиган, унинг давомийлигини таъмин этадиган нарса – бу давлатнинг идора тизими, унинг тузуклари ва тартиботи. Замахшарий ана шу тузуклар ва тартиботни мустаҳкам ушлаб туриш тарафдори ҳисобланган. “Давлатни барқарор сақлашнинг асосий омилларидан бири қаттиқ сиёсат юритишдир, дейди у ўзининг қарашларида”. Унинг нуқтаи назарида қаттиққўллик билан олиб борилаётган сиёсатнинг негизини адолат, тўғрилиқ тамойиллари ташкил этиши керак.

Жамият тараққиёти учун зарарли бўлган уни ичдан емирадиган ва ҳалокатга олиб келадиган, жамиятга турли низо ва норозиликларни олиб келувчи омил бу порахўрлик ҳисобланади. Буни вақтида англаган жумладан, “пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергусидир”²⁷, – дейди.

Замахшарий ўз даврининг машҳур сиёсий арбоблари билан кўп мулоқотда бўлган. Масалан, донгдор салжуқийлар вазири Низомулмулк билан яқин муносабатда бўлган. Унинг давлат бошқарувидаги ўрни, давлат ишларини бошқариш санъатидан, сиёсий саҳнадаги нуфузидан бевосита ва билвосита хабардор бўлган. Ҳатто унинг қилган ишларини кўриб Низомулмулкка қасидалар ҳам ёзган. Вазирнинг ўрнини ҳукумат ишларига қанчалик хабардорлигини, давлатнинг нуфузини ошиши ва ошмасликда, подшоҳ режаларини амалга ошиши ёки ошмасликка вазирнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунган. Шундан сўнг у шундай фикрга келади: “Ҳар бир вазир қайчи мисолидир (агар қайчининг бир таянчи бўлмаса,

²⁷ Қаранг. Болтаев А. Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. (дис 66-бет)

иккинчи томони ҳеч нарсага қодир бўлолмайди), чунончи Мусо пайғамбар вазири Хорун билан муккамал бўлган”²⁸.

Душманлардан узоқ бўлишга, қилаётган ишидан душманни зинҳор хабардор этмасликка чақиради: “Сенинг қилаётган ишингдан душманинг зинҳор огоҳ бўлиши, – дейди у, – сенга илон чакқандан кўра ҳам зарарли ва машаққатли бўлади”²⁹.

2.3. Маҳмуд Замахшарий ўғитларида ахлоқий масалалар ечими

Ахлоқий назария Марказий Осиё алломаларининг дунёкарашида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ахлоқ тушунчаси бошқа фалсафий категориялар каби кенг камровли фалсафий категория ҳисобланиб, жамият фаровонлигини оширишда ривожлантириш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилади.

Ахлоқ назарияларининг илдизи бениҳоя чуқур бўлиб, бизнинг замонамизга қадар қанчадан-қанча тарихан чекланган ахлоқий қарашлар пайдо бўлиб, уларнинг кўпи йўқолиб кетган. Яқинга қадар ахлоқ фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, унинг ядроси ҳисобланган. Ҳаммамизга маълумки, ахлоқ арабча “Хулқ” сўзининг кўплик шаклидир. Этика сўзини ахлоқий маънода биринчи бўлиб қўллаган киши Арастудир. Арасту фикрича, “Табиат инсон кўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам, энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”.

Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари ва ахлоққа доир фикрлари унинг “Атвок уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”);

28 А.Болтаев. Аз-Замахшарийнинг сиёсий қарашлари // Мулоқот. Т.: 2003. №4. 44-бет.

29 Ўша мақола 44-бет

“Рабиъ ал-аброр ва нусус-ул ахёр” (“Такводдорлар баҳори ва фозиллар ахбори”),

“Мақомот аз-Замахшарий” (“Маҳмуд Замахшарий мақомлари”);

“Навобиф ул-калим” (“Нозик иборалар”);

“Насоих ул-кибар” (“Улуғларга насихат”).

“Насоих ус-сиғар” (“Кичикларга насихат”) асарларида турли хил хикоялар ва рамзлар шаклида ифода этилади. Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари, инсон тафаккурининг қувваи ҳофизасига чуқур ишонч руҳи билан суғорилган.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг ахлоқий қарашларида ўз замонасининг турли табақа кишилари ва касб-ҳунар эгаларининг жамиятда тутган мавқеи ва ахлоқ-одоби тўғрисида фикр юритар экан, мутафаккир шахснинг қандайлигидан, кимлигидан (хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо) қатъий назар, аввало у хушхулк ва одамийлик зийнатиға эга бўлмоғи кераклиги тўғрисида гапиради ва “Гўзал сифат ва хушхулқлик сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориф бўлмас”³⁰ – дейди. Мутафаккир ботиний (қалб) гўзаллик – асосий, белгиловчи, илоҳий нарсадир, зоҳирий (ташқи, юзаки) гўзаллик эса иккинчи даражали ҳосила нарсадир, дея таъкидлайди.

Маҳмуд Замахшарий “Атвоқ уз-заҳаб” (“Олтин шодалар”) асарида ўз даврининг ижтимоий, мафкуравий ва ислом дунёси учун инсон ва унинг дунёдаги маънавий ўрни, инсон ва жамият муносабатлари, инсоннинг ахлоқий интилишлари каби масалаларни ўзида жамлаган.

Маҳмуд Замахшарий мазкур асарнинг биринчи мақоласида инсон ахлоқ-одобини қуйидагича таърифлаган:

“Инсоннинг асл отаси – бу унинг адабидир. Балки адаб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячидир. Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир. Ўзингни шу икки меҳрибон мураббийлар бағрига топшир ва

³⁰ У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома. 90 бет. Т.: Янги аср авлоди, 2006.

улардан зинҳор айрилма. Шундагина сени Тангри Таоло ўзининг неъматлари билан сероб қилур ҳамда ҳаётингни файзу баракотли этур”³¹.

Келтририлган иқтибос Замахшарийнинг инсон ва унинг ахлоқи масаласидаги бош тамойилни ойдинлаштиришга хизмат қилади. Инсон маънавияти икки асосий устунга таянади. Бир томондан, бу ахлоқ меъёрлари бўлса, иккинчи томондан инсоннинг ўзидаги ёмон иллат ва ниятлардан чеклашидир. Демак, инсон маънавияти бир-бирини тўлдирувчи икки хил амал орқали шаклланади: белгиланган маромларга бўйсунуш, иккинчидан, ўзини чеклаш ва асраш. Зеро, инсоннинг туғилишида ота ва онанинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, унинг маънавий камолотида ахлоқ ва ўзини поклик орқали чеклаш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Буюк мутафаккирнинг фикрича, ахлоқи етук кишининг муҳим хислатлари донолик, камтарлик, сахийлик, гўзаллик ва мардликдир, “Мард мағлуб бўлса ҳам, тубан тушмайди”³², деган эди Маҳмуд Замахшарий. У инсон ахлоқидаги мардлик, олижаноблик, дўстлик, ҳалоллик ва шу қабила фазилатларни улуғлаш билан бирга такаббурлик, хасислик, ялқовлик, порахўрлик, ғийбат, ҳийлагарлик, миннат каби иллатларни қаттиқ танқид қилади.

Маҳмуд Замахшарий ақлий тарбияга алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, “Ҳар қандай мушкул юмуш ақл – идрок эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи, еру осмон фақат ўз теграси кутблари атрофида айланар”³³.

Бундан ташқари, Замахшарийнинг ақлли киши ва аҳмоқ киши ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир: “Ақлли инсон ақл ва мантиқ нимани тақозо қилса, ўша хайрли ишга ғайрат қилар. Аҳмоқ эса бир марта иши юришмай қолса, ҳафсаласи йўқолиб, ҳеч бир ишда ташаббус кўрсатмас ва чарчаб, ҳориган юк ташувчилар каби ўтириб қолур”³⁴.

³¹ Маҳмуд Замахшарий. “Атвоқ уз-заҳаб” Олтин шодалар 1-мақома (таржимон А.Мансуров).

³² У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома 77 бет Т.: Янги аср авлоди, 2006.

³³ Ўша манба 93 бет.

³⁴ Маҳмуд Замахшарий. “Атвоқ уз-заҳаб” Олтин шодалар 71-мақома 64 бет

Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиг ул-калим” (“Нозик иборалар”) асарида тарбия, маънавият, баркамоликка оид ўғитлар билан бир каторда илм ва илмли бўлиш, илму-маърифатнинг куч-қудрати, халққа ўз оқиллиги билан зиё тарқатувчи илм аҳлини ҳурмат қилиш, уларни эъзозлашга оид бир катор ноёб ва ибратли фикрлар битилган. Ўз кузатишлари ва ҳаёт тажрибаларига таяниб яратган бу панд-насиҳатлари бугунги кун илм-фани ва таълим-тарбия тизимининг миллий-маънавий негизларини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, маънавияти етук олимлар, илмли кишилар, салоҳиятли ёшлар, умуман олганда, таълим-тарбия, маънавият соҳасидаги инсонлар ҳар қандай жамиятнинг асосий қисми бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуд Замахшарий олимлар ҳақида сўзлаб, ўз асарида шундай ёзган эди: “Еру заминнинг кўркамлиги олимлар бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир”³⁵.

Маҳмуд Замахшарий илмсизликнинг моҳиятини шундай таърифлаган эдики, “илм қалбнинг нодонликдан фориғ бўлиши, заковатнинг чироғи, зуматда нур, заиф баданда қувватдир, илм ила инсон олий даражадаги ахборотлар манзилига етишади”³⁶.

Маҳмуд Замахшарий илмли кишиларни таърифлаётганда шундай ўхшашликлар қиладики, ҳайрон қоласан киши. Масалан, унинг “Олтин шодалар” асарида илм ва амал ҳақида қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир:

Илмга амал қилувчи одам учун илм – қурувчи устанинг девор ва устунларни текис ва тўғри бўлишини таъминловчи ипи, шайини (тарозуси) кабидир. Шайини бўлмаган уста бинони қийшиқ қилиб қургандек, мезони (ўлчови) йўқ олим ҳам сув йўқ жойдан сув қаролмас.

³⁵ Маҳмуд аз-Замахшарий. “Навобиг ул-калим”, 75 бет (“Нозик иборалар”). У. Уватов таржимаси. Тошкент, Камалак. 1992.

³⁶ Маҳмуд аз-Замахшарий. “Робеъ ул-аброр” (“Хакгўйлар (яхшилар) баҳори”) 3-жилд. Бағдод, 74-бет.

Ким комил инсон бўлишни истаса — ҳам олим, ҳам оъмил (амал қилувчи) бўлсин.³⁷

Маълумки, илм-фансиз буюк давлат қуриб булмайди, шу сабабли миллат тарққиётида олимларнинг интеллектуал заковати бебаҳо қадриятни ташкил қилади, чунки дунёдаги ҳар бир мамлакат ўзининг билимли кишилари билан қудратлидир.

Ҳар қайси аллома ўз ахлоқий қаршларида албатта жамият ҳақида фикрлар билдирган. Ўз ўрнида Маҳмуд Замахшарий ҳам жамият, адолатли жамият ҳақида ғоялар берган.

Умуман, Замахшарий ўзининг фалсафий-ахлоқий қарашларида ақлий тарбияни илғор, маънавий, тараққий топган муътадил жамиятнинг манбаи деб билади. Ақлий тарбиянинг моҳиятини ва камол топишини адолатли подшоҳ жамиятида деб билади. Адолат ва инсофни ўз қалбига жо қилган подшоҳ ҳеч кимга, ҳеч бир халққа зулм ва инсофсизлик қилмас. Чунки, шоҳ адолатли бўлса албатта ўз давлатида ҳурмат-эътиборли бўлади, ҳар бир иш юзасидан адолатли ҳукм чиқаради ва ўшанда давлат ёки халқ тараққий этади.

Айниқса, Маҳмуд Замахшарий давлат арбобларини, ҳокимларни адолат ва ҳақиқат йўлидан боришга, халққа зиён-заҳмат етказмасликка, жабр-зулм қилмасликка чақиради. У ҳокимият субъектларида адолат тамойилига рағбат уйғотишни истайди. Машҳур тарихий шахсларнинг бу борада билдирган фикрларига мурожаат қилади. Жумладан, Сосонийлар ҳукмдори Ардашернинг: «Агар шоҳ адолатга рағбат қилса, халқ унга итоат қилишликка рағбат қилади»,³⁸ деган фикрини далил қилиб кўрсатади.

Мутафаккир давлат раҳбарларини хайрли ишлар қилишликка чакириб, Нозик ибораларида шундай дейди: “Кимнинг кулидан хайр-баракали ва

37 Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар 77-мақома 67 бет

38 Маҳмуд Замахшарий. Рабеъ ул-аброр ва нйсйс-ал-ахёр. 3-жилд. Бағдод, 74-бет.

пурҳикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас”³⁹.

Ва Маҳмуд Замахшарий давлат раҳбарларини огоҳликка ҳам чақирган бўлиб шундай дейди:

“Тоғнинг энг тепасига (чўққисига) чиққан киши ундан йиқилишдан ғоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим. Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар пировардида қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлгуси”⁴⁰.

Маҳмуд Замахшарий муътазилий сифатида “Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр” асарида юнон файласуфлари Сукрот, Афлотун ва Арастуларнинг фикр-мулоҳазаларидан кенг фойдаланган. Масалан, у “Адолат, инсоф ва тенглик” бобида адолат ва адолатсизлик ҳақида гапирар экан, Арастунинг: “Адолат гўзалликдир, у барча гўзалликлар сабаби, шунинг учун ҳар нарсанинг ўртаси гўзалдир; адолатсизлик разилликдир, у барча разилликлар сабаби, шунинг учун ҳар нарсада ҳаддан ошиш разилликдир” ва Сукротнинг: “Хотиржам қалб инсон хурсандчилигининг манбаи, одил подшо олим шодлигининг масдари, безовта қалб инсон ғам-ғуссасининг манбаи бўлса, адолатсиз подшо олим қайғусининг сабабидир”⁴¹, деган фикрларини келтиради. Маҳмуд Замахшарий адолат ва ҳақиқат каби ахлоқий қадриятларнинг одамлар ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам ўрин тутиши учун кураш олиб борди. Олимнинг замондоши шоир Рашидуддин ал-Ватвот у ҳақда: “У ҳатто ўзига зарар бўлсада, доимо адолат юзасидан иш тутар эди”⁴², — деб айтган.

Маҳмуд Замахшарий “Атвоқ уз-заҳаб” (Олтин Шодалар) асарида раҳбарларга берган насиҳатлар ҳам ўрин олган.

Жумладан, бир бошлиққа насиҳат:

³⁹ Нозик иборалар, 73-бет.

⁴⁰ У.Уватов. Хоразмлик буюк аллома. Т.//«Янги аср авлоди» 2006. 67 бет.

⁴¹ Маҳмуд Замахшарий. Рабъе-ул-аброр ва нусусу-ул-ахёр. Бағдод. 1982. 176 бет.

⁴² Ў.Қориев ва М.Ҳакимжонов. “Арабу аҷамлар устози”. //Ўзбекистон Адабиёти ва санъати.

Эй, сен кўп хизматчиларга амр этувчи бошлиқ мутасадди! Хизматчиларинг эришган зафарлар сени мағрур этмасин! Уларнинг сенинг амрингга мунтазир бўлмоқлари, олдиндан ва орқангдан мунтазам эргашувчи суворийларнинг тез суръат ила югуришлари (қўл остингдагилар олдинда кўркиб, қалтираб туришлари, амр-фармонингга итоат этишларидан ва бир ишнинг тезроқ бажарилишини истаганингда қўл остингдагилар уни тез ва тўлиқ бажаришларидан сен кибр ва ғурур ҳосил қилма. Сенинг буюк ишлар қилишга моҳирлигинг, муаззам-буюк зафарларни қўлга киритишинг ҳам сени ғурурлантормасин.

Унутмагилки, сенинг устингда сендан буюкроқ бир салтанат соҳиби бордирки, мавжуд иқтидор ва азаматлигинг, Унинг иқтидори ва азаматлиги олдида ҳеч бўлиб қолади. Амир ва ясоқларинг (қўшинларинг) устидан асл бир соҳиб-рахбар бордирки, сенинг амирларинг ва қўшинларинг уники олдида ҳеч нарса бўлмай қолади.

Сенинг хизматингда оз фурсат бўлганлар қочиб кетиши мумкин, лекин сен Унинг қаҳридан қочолмайсан, Унинг олдида юзингни суркашнинг, тазаллул ва тавозуъ билан ўзингни ҳокисор қилиб кўрсатганинг ҳам фойда бермайди.

Аллоҳнинг азамати, куч-қудрати олдида такаббурлигининг қирилиб (вайрон бўлиб), Унинг иродаси олдида сенинг ироданг жуда ожизлигини, бирор ишга ярамаслигини, ҳамма ишлар фақат Унинг истагича бўлишини тушунишга ожизлик қиласан⁴³.

Унинг ахлоқий қарашларида ота-онани қадрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Онасини, отасини севган ва уларга итоат қилган одамга Аллоҳу Зулжалол ўз раҳматини ёғдирар. Аллоҳдан кўрқувчи (муттақий), ул зотнинг раҳматини тилаган, хеш-ақраболари, узоқ-яқин қариндошларига чиройли муомала қилувчи, ўзига ёмонлик қилган қариндошларига ҳам яхшилик тиловчи, уларнинг гина ва адоватлари, душманлиги тамом бўлгунча

⁴³ Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар 52-мақома. 52 бет

чидовчи инсон Ҳақнинг раҳматига сазовордир. Аллоҳ бундай душманларига ёмонлик килишга йўл бермас.

Яхши билгил-ки, қариндошлар билан яхши муомала қилмоқ ажойиб, улуғ ишдир. Шу билан бирга ҳар бир инсон қариндошларини доимо ҳимоя қилсин. Лекин яхши қариндошлардан (камбағал бўлгани учунгина) касалдан ҳазар қилгандай қочиш яхши эмасдир.

Инсонга лойиқ бўлган пок, асл, ижобий хислат ўзидан бошқаларга ҳам фойда етказиш ва ҳидоят топишларига ёрдам беришдир⁴⁴.

Биз биламизки, Маҳмуд Замаҳшарий дунёни теран англаган файласуф, у ҳар бир сўзнинг маъсулиятини ҳис қила оладиган киши эди. Ҳаёт машаққатларини, қийинчилик ва кулфатларини бошидан ўтказган зукко файласуфнинг фикрлари теран ва ҳаёт қозонида пишиб етилган. Ундан баҳраманд бўлган киши ўзининг қайсидир саволига жавоб топиб, ўзини қийнаб келаётган баъзи руҳий азобларига даво топади. Лекин унинг фикрларини тушуниш ва фалсафасини англаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, зеро улуғларнинг қарашлари ҳам улуғ бўлади. Масалан, Замаҳшарийнинг энг нозик жиҳатни парда орасида тасвирлаб берган “Нозик ибора” сини олсак: “қиморбозлар ой нуруни ғанимат билиб қимор ўйнасалар, тунлари қиссаю ҳикоятлар тингловчилар эса бедорликка парво қилмайдилар”⁴⁵.

Мазкур жумлада учта нарсани назарда тутган:

1. Жамиятда қиморбозлик каби жирканч ўйинларнинг мавжудлиги.
2. Қисса ва ҳикоятлар инсонга маънавий озуқа берса, қиморнинг маънавий инқирозга олиб келиши.
3. Вақтдан унумли фойдаланиш.

Агар биз шу иборани чуқурроқ таҳлил қилсак, Замаҳшарийнинг зукколигини ва ноёб иқтидор соҳиби эканлигини янада кўпроқ сезамиз.

⁴⁴ Ўша ерда 62-мақома 59 бет.

⁴⁵ Маҳмуд Замаҳшарий. Нозик иборалар. –Т.: 1992.-61 бет.

Биринчидан, қиморбозлар хат-саводсиз кишилар; агар саводлари бўлганида, қимор ўйнамас эдилар. Шу билан бирга қиссаю-хикоятлар тингловчилар ҳам хат-саводиздирлар; агар саводли бўлганларида қиссаю хикоятларни ўзлари ўқиган бўлар эдилар. Шу хат-саводсиз икки тоифанинг бир-бирларидан маънавий фарқлари қай даражада эканлигини кўрсатиб бераяпти.

Иккинчидан, қиморбозлар ой нурида, яъни ёруғликда ўтирган бўлсалар-да аслида улар зулматда ва жаҳолатдадирлар. Қиссаю хикоялар тингловчилар қаро тунда, яъни зулматда ўтирган бўлсалар-да, аслида улар нурга бурканган йўлдадирлар.

Учинчидан, ой нури ўз ёруғлиги билан ёмонликка хизмат қилаяпти, қаро тун эса ўз бағрида китобхонларни тўплаб, маърифатга хизмат қилаяпти. Қайси бири афзал?

Тўртинчидан, икки тоифа ҳам ухламасдан бедорлар. Хўш қайси бедорлик аъло?

Юқорида зикр этилганларнинг барчаси биргина иборадан тушунишимиз лозим бўлган маънолардир. Этиборга молик яна бир нарса – бу иборани қуръоний усулда ёзишга интилган, яъни Қуръондаги оятларга ўхшатиб, иборада антонимлардан фойдаланиб, қаршилантириш усулини қўллаган.

Маҳмуд Замаҳшарий ўзи яшаб турган муҳитдан чиқиб кетмаган ҳолда фикр юритади. У замонасининг ҳар бир фуқороси тушуна оладиган тилда сўзлайди. Бу унинг ўз фикри ва қарашларини ифода этишдаги энг муҳим хусусиятлардан биридир. Аммо бугунги замон кишилари унинг фикрларини, тажрибага асосланган мустаҳкам хулосаларини тушунишлари учун, аввал таъкидлаб ўтилганидек, ўша замон руҳи ва исломий билимларидан анчагина хабардор бўлишлари керак. Ушбу хулосанинг тасдиғи учун унинг бахилликни қоралаб айтган фикрларини олиб кўрсак, Замаҳшарий дейди: “Бахилу хасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарса

беришга очилмас – токи тил билан қаттиқ сўзланмагунча, тоғдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас – токи лўм билан кучли зарба урилмагунча”⁴⁶.

Маълумки, бахиллик ҳамма замонларда ҳам одамзотнинг нуқсони сифатида таъкидлаб келинган. Бахилликни қоралашга сабаб, у кишини инсоний сифатлардан айиради. Айтмоқчики, инсон доимо саховатли, хайр-садақа, эҳсон қилиши керак.

⁴⁶ Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. –Т.: 1992.-39 бет.

III БОБ. ТАФСИР ИЛМИ ВА МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ МУФАССИР СИФАТИДАГИ МАҚОМИ

Ислом динининг муқаддас, илоҳий асоси ҳисобланмиш Қуръони карим Муҳаммад (с.а.в.) га араб тилида юборилган оятлардан ташкил топган. Бу китоб ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар турмуш тарзининг деярли барча жабҳаларига алоқадор кўрсатмалар манбаи ҳисобланади. Шу билан бир қаторда Қуръон тилининг ўзига хослиги ва ўта мураккаблиги боис унинг оятлари асл мазмун-моҳиятини тўғри ва мукаммал тушуниш хатто арабларнинг ўзлари учун ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам ислом дини кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишда илк ислом давридан бошлаб муаммолар вужудга кела бошлади. Чунки мусулмон бўлган одамларнинг барчаси ҳам Қуръон оятларининг мазмунини, сўз ва ибораларнинг кўзда тутилган маъноларини илғаб олишга қодир эмасдилар. Бу нарса кўп ҳолларда уларнинг саводли ёки саводсиз эканликларига ва уларнинг билим даражаларига боғлиқ бўлган. Яхши билимга эга бўлган ва мутлақо саводсиз бўлган кишилар тоифаси ўртасида яна ўртача саводгагина эга бўлган одамлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Демак, Қуръонни ўқиб, ҳамма ҳам унинг кўрсатмаларидан ўзига керакли маълумотларни ола билиши учун унинг мураккаб томонларини тушунтириб берадиган қўлланма бўлиши зарур эди. Бу нарсага Қуръон оятларини тафсир қилиш йўли билан эришиш мумкин бўлган.

“Тафсир” сўзи луғатда баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш маъноларини англатади. Аммо уламолар истилоҳида қуйидагича таърифланади:

“Тафсир – инсон қудрати етгунча Қуръони Каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илмдир”⁴⁷.

Шунинг учун Қуръонда зикр қилинган ва тушунилиши мураккаб бўлган ўринларини очиб бериш, тушунтириш ишини тафсир деб аталади.

⁴⁷ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. 620-бет.

Бу сўз хатто араб бўлмаган мусулмонлар учун ҳам таниш бўлганлиги боис, у бошқа тилларга ҳам айна шу шаклда кириб қолган.

Инсоният тарихида башариятга юборилган муқаддас китобларнинг барчаси ана шу динни тарғиб этувчи пайғамбарлар қайси миллатга мансуб бўлсалар, ана шу миллат тилида бўлган. Ислом уламолари бу ҳолни муқаддас динни, аввало, пайғамбар ўзи мансуб бўлган қавм орасида ёйиши лозимлиги зарурати билан изоҳлайдилар ⁴⁸. Бундай изоҳ чиндан ҳам мантиқан ўринли кўринади. Қуръон матни тадқиқоти унда арабларга қўшни бўлган қавмлар тилларига хос бўлган, аммо араблар учун тушунарли бўлган сўзлар ҳам учрашини кўрсатади. Бундай ҳолатлар ҳам Қуръон сура, оятларининг тафсирига зарурат бор эканлигини кўрсатувчи ўринларидан ҳисобланган.

Қуръонни тафсир қилиш, яъни унинг сура, оятларини тушунтириб бериш тажрибаси, Муҳаммад алайҳиссалом даврлариданоқ бошланган эди. Сабаби у кишининг атрофидаги саҳобалар оятлар мазмунини тушуна олган бўлсалар-да, кўп ҳолларда муайян ибораларнинг мазмун-моҳиятини пайғамбар алайҳиссаломдан сўрар эдилар. Шу боис ўша даврдаёқ Қуръони карим оятларини тушунтириб берувчи манбалар ҳақидаги тушунчалар шакллана бошлади. Бундай манбаларнинг дастлабкиси ва энг асосийлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

Қуръони каримнинг ўзи, яъни Қуръони каримда айрим оятларни бошқа баъзи оятлар орқали шарҳлаб, тушунтириб кетиш. Масалан, «Моида» сурасининг 1-оятида баён этилган мақсад шу суранинг 3-оятида тушунтириб берилади, “ал-Анъом” сурасининг 103-оятида илгари сурилган ғоя “ал-Қиёма” сурасининг 23-оятида шарҳланади. Бундай мисоллар Қуръони каримда жуда кўплаб учрайди. Шу сабабли Қуръон оятлари мазмунини очиб берувчи манбаларнинг дастлабкиси унинг ўзи ҳисобланади.

⁴⁸ Маннаъ ал-Қатгон. Мабаҳис фи улум ал-Қуръон. -Байрут, 1980.333-б.

Иккинчи манба, албатта, пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари ҳисобланадилар. Чунки кўпинча саҳобалар муайян оятнинг мазмунини тушуна олмай Пайғамбар алайҳиссаломга мурожаат этганлар.

Учинчи манба сифатида саҳобаларнинг ўз фаҳмлари асосида ижтиҳод қилишлари эътироф этилади. Бунинг маъноси шуки, оятларнинг тушуниб бўлмайдиган ўринлари хусусида саҳобалар на матннинг ўзидан ва на пайғамбар алайҳиссалом ибратларидан жавоб топа олмасалар, ўз илм ва фаҳмлари асосида ижтиҳод қилганлар. Одатда бу зотлар асл араб қавмидан бўлиб, араб тилини мукаммал билганлар. Бу услубни қўллаган инсонлар сифатида, аввало, тўртта халифа “Хулафо ар-рошидин” лар – Абу Бакр Сиддик, Умар, Усмон ва Алилар, ундан кейин пешқадам саҳобалардан Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Мусо ал-Ашъарий, Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Аёс ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Ос, Ойшалар зикр қилинади. Қуръон сура, оятларининг тафсирида саҳобалардан етиб келган хабарларга асосланиш, уларни ишончли манба деб қарашга бу зотларнинг мазкур оятлар эълон қилинган даврнинг гувоҳи бўлганликлари, у ёки бу оятларнинг юборилишига сабаб бўлган воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлганликлари ва уларни аниқ билганликлари, қолаверса, Қуръон тили уларнинг она тиллари бўлганлиги билан изоҳланган.

Мўътабар тафсирлардан ҳисобланган “Тафсири Ибн Касир” асарининг муаллифи ал-Ҳофиз ибн Касир ўз асари муқаддимасида шундай ёзган: “Бирон оят тафсирини Қуръоннинг ўзидан ёки пайғамбар алайҳиссалом суннатларидан топа олмасак, саҳобаларнинг фикрларига мурожаат қилар эдик. Зеро, биз учун билишимиз муҳим бўлган ўша даврни улардан кўра яхшироқ биладиган одамлар йуқ. Чунки улар айна шу даврда яшаган, бу илмни ихлос билан тўғри эгаллаб, уни амалиётга тўғри татбиқ қилган

зотлардир. Айниқса, уларнинг улуғлари ва билимдонлари бундай ишончга шубҳасиз лойикдирлар»⁴⁹.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, гарчи тафсирга эҳтиёж илк ислом давриданок сезилган бўлса-да, бу даврда мазкур соҳада олиб борилган ишлар ёзма битиклар ҳолатига келтирилмаган. Тафсирлар битиш хижратнинг иккинчи асрига етгандагина амалга оширила бошланди. У даврларда оятлар тафсири ҳадисларнинг бир тури сифатида қабул қилинган бўлиб, айрим оятларнинг мазмунини ифода этишга қаратилган, холос.

Саҳобалар даврида Қуръон оятларини тафсир қилиш билан танилган алломалар бўлгани каби, тобеъинлар даврида ҳам бу соҳада шуҳрат қозонган кишилар пайдо бўлган. Бу даврда тафсир илми соҳасида қалам тебратган уламолар юқорида зикр этилган уч манба – бевосита Қуръони карим матни, пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари ва ўз фаҳмлари билан қилган ижтиҳодларидан ташқари, ўзларидан олдин ўтган саҳобаларнинг ижодлари самарасидан ҳам фойдаланганлар. Тобеъинлар давридаги тафсирларнинг саҳобалар давридагидан фарқи шунда эдики, саҳобалар Қуръони каримнинг барча оятларини тафсир қилган эмасдилар. Улар ўз замонлари ва замондошлари учун тушунарсиз бўлган ўринларинигина тафсир қилган эдилар. Одамлар пайғамбар алайҳиссалом ва саҳобалар замонидан узоқлашганлари сари кейинги давр кишилари учун Қуръоннинг тушунарсиз ўринлари ортиб борди. Демак, тафсирнинг ҳажми ҳам орта бошлади. Тобеъинлар давридан кейинги пайтга келиб Қуръони карим матнини бошидан охирагача тафсир қилинадиган бўлди. Бу давр муфассирлари энди араб тили соҳасидаги илмларига таянган ҳолда аجدодлардан қолган манбалар орқали эришган билимларига, зарур маълумотлар ва билим йиғиш воситаларига таянган ҳолда иш олиб бордилар. Тафсир илмининг шаклланиши ва ривожланишида ислом динининг янги минтақаларга тарқалиши, саҳобаларнинг дунёнинг турли

⁴⁹ Маннаъ ал-Қатгон. Мабаҳис фи улум ал-Қуръон. -Байрут, 1980.334-б.

томонларига сафар қилишлари ҳамда шогирдлар орттиришлари ҳам муайян ўрин тутди.

Жумладан, Маккада, айти шу тарзда Ибн Аббос янги тафсир мактаби шаклланди. У кишининг шогирдлари орасида Саъид ибн Жубайр, Мужоҳид, Акрама, Товус ибн Кайсан ал-Йаманий, Товус ибн Абу Раббоҳ кабиларнинг номларини зикр қилиш мумкин. Мадинада эса Убай ибн Каъб бошқаларга нисбатан самарали ижод қилди. Унинг шогирдлари орасида Зайд ибн Аслам, Абу ал-Олия, Муҳаммад ибн Каъб ал-Қуразийларнинг номларини келтириш мумкин. Ироқда эса Ибн Масъуд тафсир мактаби шаклланди. Бу мактаб вакиллари бўлмиш кўплаб тобеъинларнинг номлари танилиб кетди. Уларнинг орасида энг машҳурларидан Алқама ибн Қайс, Масрук, ал-Асвад ибн Язид, Марра ал-Ҳамадоний, Омир аш-Шаъбий, Ҳасан ал-Басрий ва Қаттада ибн Даъама ас-Садусийларнинг номлари тарихда қолган.

Мазкур муфассирлар тобеъинлар даври вакиллари ҳисобланадилар. Улар тафсир илми соҳасида бой мерос қолдирдилар. Булардан кейин тафсир илми майдонига кириб келган муфассирлар бу меросдан самарали фойдаландилар. Шу билан бир қаторда, бу муфассирлар орасида айрим масалаларда турли фикрлар, тортишувлар, келишмовчиликлар вужудга кела бошлади. Натижада, тафсир илмининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида турли фикр ва йўналишлар юзага келган.

Тафсирларни, бошқа соҳаларда бўлгани каби алоҳида китоб шаклида ёзиб бориш умавийлар даврининг охири аббосийлар даврининг бошларида жорий бўла бошлади. Бу даврга келиб ҳадислар мавзуларга ажратилган ҳолда тўплана бошлади. Тафсирлар ҳам ҳадис тўпламлари бобларининг бири сифатида, яъни Қуръон тафсири боби сифатида ажралиб чиқди. Қуръон тафсирини ҳадислар тўпламининг алоҳида боби шаклида тузган муаллифлардан Язид ибн Ҳорун ал-Суламий (ваф. 736), Шуъба ибн ал-Ҳажжож (ваф.777), Вакиъ ибн ал-Жарроҳ (ваф.814), Раваҳ ибн Аббода ал-

Басрий (ваф. 820) ва бошқаларнинг номларини зикр қилиш мумкин. Аммо мазкур муаллифларнинг асарлари бизгача етиб келган эмас.

Улардан кейин илм майдонига кириб келган муфассирлар тафсир илмини ҳадис илми таркибидан ажратиб, алоҳида исломий илм даражасига кўтардилар. Улар энди Қуръони каримни айна у ёзилган тартибда тўла тафсир қилиш тажрибасига ўтдилар. Тафсир илмини алоҳида илм сифатида ривожланишига хизмат қилган дастлабки муфассирлар сифатида Ибн Можжа (ваф. 886 й.), Ибн Жарир ат-Табарий (ваф. 922), Абу Бакр ибн ал-Мунзир ан-Найсабурий (ваф. 930 й) ва бошқалар эътироф этиладилар.

Тафсир илми ўрта асрларда Мовароуннаҳр маънавий-маданий ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутди. Мовароуннаҳр алломалари тафсир илми соҳасида ҳам ниҳоятда самарали меҳнат қилдилар. Масалан, булар қаторида бутун ислом оламида калом илми асосчиларидан бири сифатида машҳур бўлган аллома Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф.945) нинг “Таъвилот аҳл ас-сунна” номли асари ҳадис илмида номи бутун ислом дунёсига танилган Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий ас-Самарқандий (ваф.1142) нинг “Тайсир фи ат-тафсир” (“Тафсирни енгиллатувчи”) деб номланган тафсири, фикҳ илмининг йирик намояндаларидан бўлган Абу-л-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафийнинг “Мадорик ат-танзил фи ҳақойиқ ат-таъвил” (“Нозил бўлганга етишиш ва шарҳлаш ҳақиқатлари”) номли асари ва яна бир қатор бошқа алломаларнинг тафсирларини келтиришимиз мумкин. Бу асарлар ислом оламида ҳанузгача қимматли манбалардан ҳисобланади⁵⁰.

Ислом дини ва исломий илмлар тараққиёти тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган минтақамиз алломаларидан яна бири Маҳмуд ибн Умар Абул Қосим Жоруллоҳ аз-Замахшарийдир. Манбаларда бу зот араб тили грамматикасининг уста билимдони, адиб, шоир, муфассир, мутакаллим, фақиҳ бўлганликлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Аллома ниҳоятда

⁵⁰ Ал-Қуръон ул-Карим / Таржима ва тафсир. Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Мадиний-Олтинхон Тўра / Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муалли-фи Ҳожи Исмаилов ва Абдуллоҳ--Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. 3-4-б.

бой илмий мерос қолдирган бўлиб, улар илм соҳасининг турли йўналишларини қамраб олган.

Унинг кўпгина асарлари қаторида тафсир илмига бағишланган “ал-Кашшоф” (“Очувчи”) номли асари ҳам жуда машҳурдир. Манбаларда аз-Замахшарий маълум муддат Маккада истиқомат қилгани, ва шу боис, “Жоруллоҳ” лақабига эга бўлгани хабар қилинади. Маҳмуд Замахшарий шахсиятининг, шу жумладан, у киши яратган тафсирнинг ўзига хослик томонлари бор.

Маълумки, Замахшарий фикҳий мазҳаблардан ҳанафия мазҳабига мансуб бўлгани ҳолда эътиқодда муътазилий бўлган. Мана шу сабаб аксарият сунний мусулмонларда у кишининг шахсияти ва илмий меросига нисбатан бирмунча ноанъанавий муносабат шаклланишига сабаб бўлган.

Кейинги авлод алломанинг турли соҳалардаги асарларига, айниқса, араб тили, унинг грамматикаси ва луғатларига катта қизиқиш ва эҳтиром сақлагани ҳолда, у кишининг айна тафсирига нисбатан унчалик ижобий муносабатда бўлмаган. Айрим манбаларда баъзи ҳанафия мазҳаби фақиҳлари мусулмонларни бу тафсирни ўқишдан қайтарганликлари ҳақидаги хабарлар ҳам учрайди.

Маҳмуд Замахшарий тафсирининг тўлиқ номи “ал-Кашшоф ан ҳақоик ғавомизи-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” (“Нозил бўлган нарсалар ва айтилган сўзларнинг ҳақиқатини таъвил юзасидан очиб берувчи”) деб аталади. Алломанинг буюк тилшунос ва адиб бўлганлиги тафсирда муътазилия руҳиятини сингдиришнигина эмас, балки ўзининг рақибларига усталик билан жавоб қила олишини ҳам таъминлаган. Мазкур тафсирдаги муайян эътиқодий ёндашиш аксар мусулмонлар эътирозига сабаб бўлганлигига қарамай, муаллифнинг Қуръони каримдаги маъно гўзалликларини нутқ, баён, луғавий ва адабий жиҳатлардан маҳорат билан очиб берганлигини барча баравар эътироф этади. Аллома муфассирлар учун бундай хусусиятлар зарурлиги ҳақида фикр билдириб, асар муқаддимасида, Қуръони карим ҳақиқатини очиб беришга жазм қилган киши Қуръон

илмига хос бўлган икки илмни Қуръон маънолари илми ва унинг баёни илмини мукаммал билиши зарур эканлигига ишора қилади. Қуръон тафсирига қўл уришни ихтиёр қилган кишилар олдига бундай талаблар қўйган алломанинг ўз тафсирини шу соҳаларда юқори илмга эга бўлган ҳолда амалга оширгани яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам, бизнинг назаримизда, муаллиф асарида ҳар қандай эътиқодий зиддиятлар ва улар руҳиятини акс этгирганидан қатъи назар мазкур тафсир гўзал тил услуби ва юқори маҳорат билан амалга оширилганлиги билан Қуръони каримга ёзилган тафсирлар қаторида алоҳида ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, аллома Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси, хусусан, тафсир илми соҳасидаги изланишлари ўрта асрларда тафсир илми ривожига муносиб ўрин тутгани билан бир қаторда, минтақада кечган тарихий жараёнларни, ислом тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишда ўзига хос манба бўла олишлиги билан муҳимдир.

3-01. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асари ва унинг Ўзбекистондаги нусхалари

VIII асрнинг 1- ярмида нозил бўлган Қуръон мусулмонларнинг муқаддас китоби ҳисобланиб, у ўз тарихий ва маданий аҳамияти билан бутун Шарқ халқларининг маънавий ва ижтимоий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Бир томондан, Қуръоннинг ўша давр классик араб тилига хос мураккаб услуб ва тилда насрий сажъ шаклида ёзилганлиги, иккинчи томондан, мазмун ифодасининг чуқур ва кенг қамровлиги, табиийки бу тарихий ёдгорликни тўлиқ тушуниб англашни қийинлаштирган. Араб тилини билган ҳар бир киши ҳам уни тўғри ва тўлиқ тушуниши қийин бўлган. Шу сабабларга кўра зарурат туфайли ўрта асрлардан бошлаб Қуръонни тафсир ёки шарҳ билан ўқиш одат тусини олган. Шу сабабдан ҳам Қуръон нозил бўлган даврдан эътиборан унга бағишланган тафсирлар, шарҳлар ёзишга катта эҳтиёж сезилган. Турмуш тақозоси билан мана

шундай вазиятда ислом тарихида Қуръонга бағишланган кўплаб тафсирлар, шарҳлар вужудга келган.

Бу улуғ тафсир илми Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг даврларида юзага келган. Чунки, у зоти бобаракот одамларга Қуръони Каримнинг маъноларини ўз суннатлари ила баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берар эдилар. Саҳобаи киромларга тафсир илми Пайғамбар (с.а.в.)дан мерос қолди. Лекин уларнинг бу илмдаги даражалари турлича эди. Шунинг учун ҳам, улардан кимки баъзи оятларнинг маъносини англашда ўзида ҳожат сезса, ўзидан олимроқ бошқа саҳобалардан сўраб олар эди.

Маҳмуд Замахшарий ҳам ўзидан олдин ёзилган Қуръонга аталган тафсирларни кунт билан ўрганиб, ўз асарида улардан унумли ва танқидий равишда фойдаланган. Натижада мукаммал бир тафсир, яъни “Ал-Кашшоф” вужудга келган.

Маҳмуд Замахшарий бу асарни ёзишга алоҳида эътибор берди, чунки Қуръони Каримга бағишлаб тафсир ёзиш ниҳоятда шарафли ва мушкул ишдир. Бу мураккаб ишни қилиш учун киши, Қуръоний илмлар ва пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан чуқур билим олган, Расулуллоҳнинг ҳаётлари ва у кишининг сийратларидан ҳаққоний ва ишончли билимга эга бўлмоғи лозим. Алломанинг ўзи бу ҳақида ўз асарида шундай ёзган: “Қуръони каримга хос бўлган икки илм-илм ал-маоний ва илм ал-баёнда ўткир илм соҳиби бўлган одам бу ишни уддасидан чиқиши мумкин”⁵¹.

“Ал-Кашшоф”нинг мазмун-моҳияти тўғрисида У.Уватов шундай ёзади: “Макка амирининг кўрсатган ҳайрихоҳлик ва ёрдами туфайли ўша пайтда маълум бўлган барча Қуръон-тафсирлари ва шарҳлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлган.” Мазкур тафсир ва шарҳлардан оқилона фойдаланган “Ал-Кашшоф”ни яратди. Асарда, айниқса, Қуръоннинг

⁵¹ Аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф, 1-ж. 12-15-б.

филологик таҳлилига катта эътибор қаратилган, шунинг учун ҳам унинг филологик қиммати бениҳоя каттадир”⁵².

У Уватовнинг яна таъкидлашича Қоҳирадаги Айн Шамс дорилфунунинг профессори Мустафо ал-Жуванийнинг “Манҳаж аз-Замахшарий фи тафсир ал-Қуръан” (“Қуръон тафсирида усуллари”) асари “Ал-Кашшоф”га бағишланади. Жуванийнинг эътироф этишича, Замахшарийнинг буюк хизмати шундаки, у ўз тафсирини ёзишда ҳар хил сабабларга кўра бизгача етиб келмаган тафсир, ҳадис, фикҳ, илм ал-қироат, наҳв, адаб ва бошқа илмларга оид ўша пайтда машҳур бўлган кўплаб манбаалардан фойдаланиб, ўз тафсирини бойитган. Шу сабабдан ҳам йўқолиб кетган зикр қилинган асарлар ҳақида маълумот ва тасаввурни замонавий тадқиқотчилар фақат Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф”дан оладилар⁵³.

“Ал-Кашшоф” асари мусулмон дунёсида ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Тафсирнинг машҳурлиги қўлёзма нусхаларининг кўплигидадир. “Ал-Кашшоф”нинг нусхалари ҳозирда Миср, Техрон, Бағдод ҳамда Оврупа кутубхоналарида ҳам тафсир қўлёзмалари сақланади. Жумладан бу қўлёзманинг нусхалари бизда ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлар идораси кутубхонасида №317-рақам остида 1274 йилда кўчирилган нусхаси сақланади. “Ал-Кашшоф” тафсирининг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида бир неча қўлёзма нусхалари сақланади. Улардан Муҳаммад ибн Али ал-Мафохирий томонидан насхда кўчирилган мукаммалроқ бир нусхаси П№4458-ашёвий рақамда сақланади. Кўчирилган санаси қўлёзманинг ўзида “Ҳижрий 794 йили рабиул-аввал оийи” деб кўрсатилган. Бундан ташқари, асарнинг №1909 рақам остида 763 саҳифадан иборат 1433 йилда Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Козируни томонидан насхда кўчирилган нусхаси, №2324 рақам остида

52 Уватов. У Махмуд аз-Замахшарий. Т.: Абдулла Қодирий. 1995. 22-23 бетлар.

53 Ҳасанов С. Хоразм маърифати-олам кўзгуси. - Т.: Ўқитувчи, 1996. 140-бет.

257 саҳифадан иборат асли Тошкентлик хаттот Аҳмад бин Маҳмуд аш-Шоший томонидан насхда кўчирилган нусхаси, №4464 рақам остида 199 саҳифадан иборат 1317 йилда Амир Қавомиддин ал-Атқоний томонидан насхда кўчирилган нусхаси, №6043 рақам остида 446 саҳифадан иборат 1420 йилда Абдурахмон ибн Абу Бакр томонидан насхда кўчирилган нусхаси, №6048 рақам остида насхда кўчирилган 335 саҳифадан иборат нусхаси (кўчирувчиси номаълум), №7946 рақам остида 489 саҳифадан иборат 1649 йилда кўчирилган (кўчирувчиси номаълум) нусхаси, №7949 рақам остида 470 саҳифадан иборат 1420 йилда Абдурахмон ибн Абу Бакр томонидан насхда кўчирилган нусхалари ҳозирги кунга қадар сақланиб келинмоқда.

Маҳмуд Замахшарийнинг тафсир бобида ягона **"ал-Кашшоф"** асари Маккада ёзилган. Мана шу асарни 526-ҳижрий йилда ёза бошлаган ва икки ярим йил сарфлаган. Бу ҳақда унинг ўзи "Ал-Кашшоф" нинг муқаддимасида шундай езади: "Аллоҳ ўзи ҳидоят йўлига бошлаб ушбу асарни Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) халифалик қилган муддатда ёзиб тугатишни муваффақ қилди".⁵⁴ Биз биламизки, Абу Бакр (р.а.) халифалик қилган муддати икки йил уч ойу ўн кунга тўғри келади.

Алломанинг "Ал-Кашшоф" асари алломанинг ўз эътирофи билан муътазилийлик мазҳаби ақидасига мувофиқ ёзилган бир тафсир бўлсада, у алоҳида эътиборга молик. Қуръоннинг мўжизавий сирлари, таркиби, гўзаллиги ва балоғат-фасоҳатдаги юқори даражаси аллома томонидан далиллар асосида кўрсатилган. Бундай юксак қобилиятнинг асосий сабаби Замахшарийнинг жуда кўп илм соҳасида, хусусан, араб тилининг жозибадорлиги, ундаги балоғат, фасоҳат, баён, эъроб, наҳв, сарф, қироат илми соҳаларига тенги йўқ этук олим эканлигидир. Яна нозик ақл-идрок соҳиби, мунаввар қалб, олижаноблик салоҳиятига эга эканлигида ҳамдир.

54 Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшоф, Байрут. 1992, 1-жилд, 4 бет.

У ғоятда журъатли бўлганидан ҳам Қуръон карим (махлук)дир, деб очик-ойдин айтаверардики, бу муътазила мазҳабининг фикри эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики ҳатто ушбу тафсир муқаддимасини

الحمد لله الذي خلق القرآن كلاما

«алҳамду-лиллоҳи аллазий халақа ал-Қуръан» («Қуръонни яратган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин») деб бошламоқчи бўлади, лекин дўстлари уни бу фикрдан қайтариб: «Агар шундай қилсанг одамларнинг нафрати кўзғалиб, унда бу тафсирнинг ҳеч бир нафи бўлмайди», - деб туриб олдилар. Ана шундан кейингина муътазилия оқимидаги ўта такводор бу инсон фақат одамларга фойдасию нафи бўлишлиги юзасидан ўз фикридан қайтиб, асар муқаддимасида

الحمد لله الذي أنزل القرآن كلاما

«алҳамду- лиллаҳи аллазий анзала ал-Қуръон» («Қуръонни нозил этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин») деб ёзишга розилик билдирган.

Муътазилийлик руҳидаги бу асарда Қуръоннинг яратилгани ғояси ифодааланганлигидан бошқа Тавҳид (яккахудолик) тушунчасини, бундан ташқари Аллоҳ сифатларини ҳам муътазилийлар нуқтаи назаридан талқин қилган. Асар Қуръон матнини чуқур филологик таҳлил қилинганлиги билан қимматлидир. Бу асар дунёнинг турли шаҳарларида қайта-қайта нашр қилинган. Мусулмон аҳли, олимлар ундан ҳозиргача муҳим дастур сифатида фойдаланадилар.

нинг ҳаётининг сўнгги йиларида ушбу тафсирга қўл уриши бир жиҳатдан, имондан бўлса, иккинчи жиҳатдан , муайян диний омиллар таъсирида содир бўлган.

“Ал-Кашшоф” нинг ўз ёзилиш сабаблари ҳам бўлиб, муаллиф ўз асари муқаддимасида шундай ёзади: “Араб тили ва дин билан шуғулланувчи фозил ишилар бирор оятни шарҳлаш учун доимо менга мурожаат қилганларида, мен бу оятлардаги баъзи бир берк маъноларини очиб беришга ҳаракат қилардим. Тафсирни эшитиб, улар хурсандликларини ичларига сиғдира олмай, таажжубда қолардилар ва мен қўллаган

усулларнинг барчасини ўзида мужассам қилган бир тафсир китоби кераклигини интиқлик билан гапирардилар, ҳатто, “Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уларни шарҳлаш орқали ривоятларнинг кўзларини очиш” борасида сабоқлар беришимни илтимос қилардилар”.⁵⁵

хаёлида унинг услуби билан қизиқиб қолган омма ёзилажак тафсир китобини интиқлик билан кутиб тургандек ва бундай руҳий-маънавий муҳит уни Аллоҳга яқинлашувидан бошқа нарсага машғул қила олмайдигандек эди. шундай йўл танладики, у йўл аввалги оғзаки тафсиридагидек кенг ва тафсилий эмас, балки, қисқа, мўжаз тафсир усули эди. Унинг бундай йўл тутишига сабаб, биринчидан 60 ёшдан ошганлиги, иккинчидан, Қуръонни бутун тафсир қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганлиги ва учинчидан, омма у амалга оширмақчи бўлган ишнинг самарасини зўр иштиёқ билан кутиб турганлигидадир. Мана шу сабаблар Маҳмуд Замахшарий китобини мумкин қадар мўжаз, тушунарли қилишга ундади.

Ҳақиқатан ҳам Маҳмуд Замахшарий муфасссирга зарур бўлган барча василаларни жамлаб, ўзининг улуғ тафсирини ёзиб тугатиб, одамлар эътиборига ҳавола қилди. Маҳмуд Замахшарий ўзининг бу тафсири барча фазилатларни жамлаган асар бўлганини, барча олимлар ҳузурида ҳусни қабулга муносиб кўрилганини билгач, Аллоҳнинг бундай неъматини ва иноятига шукрона келтириб ушбу ғазални ёзди:

Дунёда тафсирлар сонун саноксиз,

Улар орасида Кашшоф сафодир.

Агар сен ҳидоят қидирсанг, ўқи!

Жаҳл бир касаллик, Кашшоф шифодир.⁵⁶

Шу ўринда яна бир маълумотни эътироф этиш лозим. Қуръон оятларининг 6000 таси барча уламолар ва муфасссирлар томонидан тасдиқ қилинган, ундан зиёдаида эса турли фикрлар мавжуд. Масалан:

55 Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшоф, Байрут. 1992, 1-жилд, 5 бет.

56 Уватов. У маҳмуд аз-Замахшарий. Т.: Абдулла Қодирий. 1995. 22 бет..

юртдошимиз, улуғ аллома Абулқосим Жоруллоҳ Маҳмуд Замахшарий ибн Умар Маҳмуд Замахшарий «Ал-Кашшоф» номли машҳур тафсирида ёзишича, Қуръони карим 114 сура, 6666 оят, 77. 439 сўз, 325. 343 дона харфдан таркиб топган.⁵⁷

Хулоса қилиб айтганда, ҳамюртимиз, тафсир соҳасининг улуғ шайхи Жоруллоҳ Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» тафсири ислом оламидаги барча тафсирлардан ёзилиш услуби, балоғат ва фасоҳати нуқтаи назаридан олий даражадаги тафсирдир. Демак, Маҳмуд Замахшарий сингари улуғ олимларнинг эътиборли тафсирларидан, эътиқодий адашувларини назардан кочирмаган ҳолда, илмий-танқидий ва қиёсий жиҳатдан жиддий ўрганиш ва керакли ўринларда улардан истифода этиш фойдадан холи бўлмайди.

3.2. Маҳмуд Замахшарийнинг Қуръони карим сура ва оятларини тафсир қилиш услуби

Маҳмуд Замахшарий Ал-Кашшоф асарини яратишга бошқа биронта ҳам китобига кўрсатмаган алоҳида эътибор билан ёндошди. Чунки Қурони каримга бағишлаб тафсир ёзиш - бу ғоятда шарафли ва жиддий ишдир. Бу мураккаб ишнинг юқори нуқтаси шундан иборатки, илм ал-баён ва унинг завқидан юксак малака ҳосил қилмаган, Қуръоний илмлар ва пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан чуқур билим олмаган, Расулуллоҳнинг ҳаётлари, у зоти шарифнинг сийратларидан ҳаққоний ва ишончли билимга эга бўлмаган киши Қуръони Каримга тафсир ёзишга журъат этолмайди. Шулар билан бирга муфассир катта ақл- идроккаю мунаввар қалбга, ҳассос руҳий салоҳиятга ҳам эга бўлиши зарур.

Мана шулар Қуръони Карим тафсирига киришиб, унинг иъжозий (Қуръоннинг идрок этиши қийин мўъжизалари) ўринларю унинг балоғати сир-асрорини билишни истаганларнинг сифатлариридир. У ўзини камсуқумлик билан ушбу билимлар майдонининг оқибатларидан (яъни эгаллаганлардан) эмас, деб ҳисобларди ва шу боисда ҳам у ўз фаолияти

⁵⁷Аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф, 1-ж. 87-6

бунга қодир эмас, деган андиша билан ушбу маслакдан қадам босиш хусусида фикр ҳам қилмаганди. Лекин муътазилий оқимиға мансуб ўз биродарларига Қуръони Карим маъноларини ўргатди, улар араб тили ва дин усуллари илмларини ўзлаштирган эдилар. Кейин Замахшарий уларга Қуръон Карим оятларини тафсир қилиши билан ушбу гуруҳдагиларни хайратга солгач, улар унинг бу ишга муносиблигига ишонч ҳосил қилиб, ундан ўзлари учун Қуръони Карим сирларини очадиган бир тафсир ёзишни илтимос қилиб сўрадилар.

Лекин, аввалига, Замахшарий бу ишнинг улканлигидан дан узр билдирган билан, улар роса ўтиниб сўрагач, улар ал-Бақара сурасини имло қилади ҳамда бошқалар унга тақлид қилиб, унинг йўлига эргашиш учун фақат шу бир сура тафсири билан кифояланади. Аллома ўзи имло қилиб берган ал-Бақара сурасининг тафсирида тафсилотини ҳам шарҳлаб, шу билан чегараланганди; зеро унинг ёши ҳам кексалик томон шиддат билан шошиларди. Алқисса, унинг жидду жаҳдини ҳаракатга келтириб, у бошлаган ишини тамомига етказишида бир ҳодиса рўй берди. Бу шундан иборат эдики, Замахшарий Байтуллоҳ ал-Ҳарамга иккинчи марта қайтиб мужовирликни иродат этган бўлиб, ҳар гал илм аҳлларида иборат бир тоифа ёнидан ўтганда ўзи битган тафсирини ўқиш завқи пайдо бўларди. Қачонки у Аллоҳ таоло амниятни муяссар кўрган Маккаи мукаррамада макон тутиб ўргангач, Макканинг амири (шарифи) Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳосни учратиб - у эса олимнинг қалбида юксак мақомни эгаллаган инсон эди - аз- Ҳижоздан ғойиб бўлган пайтида дилида юз берган фироқлик аламларию аз- имло этган Қуръони Карим тафсиридан ўша бир бўлакни (ал-Бақара сурасини) эшитиш учун ҳатто чўлу биёбонларни босиб Хоразмга, унинг ҳузурига келишгача тайёр бўлганини сўзлайди ва олимдан бошлаган тафсирини охирига етказишни илтимос қилади.

Ўзи бошлаган (хайрли) ишни поёнига етказиш зарурат эканлигини аниқ бўлди. Лекин бу вазифани ўзи бошлаган услубда уддалаш учун жисмоний қувватни қаердан олади – ёш ҳам еттинчи ўнликка (етмишга)

ўтиб қолганди. Бу ҳақда алломанинг ўзи: «Араблар даққоқат арриқоб» (ўлим) деб атайдиган ўнлик (олтмиш)ни уриб қўйибман. Шу боис кўпдан-кўп фойдали мулоҳазалар ва сирларни чуқур тадқиқ қилиш кафолати билан олдинги услубга караганда мухтасарроқ бир йўлни танламадим», - деб ёзади. Натижада, аллома ушбу тафсирни икки йилдан камроқ вақтда ёзиб тугаллади. Шу пайтда у Байтуллоҳга мужовир (қўшни) яшаб, ўз дўсти Макка амири Ибн Вахҳос билан яқин муносабатда бўлди. Бу ҳақда унинг ўзи хикоя қилиб: «Ҳар бир оятнинг ана шу ал-Байт ул-Мухаррам (муқаддас уй)нинг мўъжизаларидан, менга тўлиб-тошиб насиб бўлган барака эса мана шу ал-ҳарам ал-Муаззамнинг баракатларидандир», - деб таъкидлаган.

Маҳмуд Замахшарий яратган тафсир, ундан бошқа тафсирларда бўлмаган фазилатлар билан ажралиб туради. Чунончи муфассир Қуръони каримдаги балоғат сирлари ва унинг ўта нозик иъжозларини яхши билади. Ундан муқаддам ҳеч бир кишининг ақл-идроки бу муаммоларни ҳал этишга етмай, фақат у шундай пок мақомга етишди. Маҳмуд Замахшарийдан кейин яшаб Қуръони Каримга баёний тафсир ёзганлар ундан жуда кўп иқтибос қилдилар. Улардан баъзилари, гарчанд унинг даражасига етмаган бўлсаларда, тақлид қилиб унга эргашиб тафсир битдилар, лекин аслий ва тақлидий фикрлар орасидаги фарқ очиқ-ойдин кўриниб турарди. Бирон муфассир ҳам унинг тафсири даражасига болиғ бўла олмади, Замахшарий етган буюк таъбирни изҳор қила олмади.

У, энг аввало, маънони зикр қилиб, шундан кейин ان قلت «агар айтсангиз» (ин қулта) деб бу маъно хусусидаги бошқалар баҳсини келтиради. Ана шулардан кейин ўзи жавоб қилиб قلت “мен дедим” (қулту) деб ўз фикрини билдиради. Мана шу услубни аз- ал-Бақара сурасидан бошлаб қўллаган эди. Бу услуб муътазилия оқимидагиларга хос бўлган муноқаша ва мунозарага риоя қилишнинг ўзи эдики, чиндан ҳам улар бу масалада (мунозарада) ўта қобилиятли олимлар эдилар.

Маҳмуд Замахшарий тафсири ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, Қуръоннинг бошидан охиригача шарҳланган. Тафсир Қуръон тартибига

биноан тузилган. Оятларни шарҳлашда, кўпинча, аввл грамматик жиҳатдан таҳлил этади. Сўнг 7 турдаги кироат билан бирга, бошқа кироатлардан ҳам фойдаланади. Маҳмуд Замахшарий бошқа муфассирлар сингари Қуръони каримнинг ўзидан фойдаланиб шарҳлайди. Чунки, Қуръонда бир оят бошқа бир оятни янада очиб берадиган ҳолатлар кўлаб топилади. Масалан, «Моида» сурасининг 1-оятида баён этилган мақсад шу суранинг 3-оятида тушунтириб берилади, «ал-Анъом» сурасининг 103-оятида илгари сурилган ғоя «ал-Қиёма» сурасининг 23-оятида шарҳланади⁵⁸. Унинг тафсирида кўпроқ ўз ижтиҳодини ишлатишини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, саҳобий ва тобеъийлар ривоятларидан ҳам фойдаланиб, шарҳни янада очиб беради.

Масалан;

وَبَشِّرِ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ رَزَقُوا قَالُوا هَذَا الَّذِي رَزَقْنَا مِنْ قَبْلُ وَأُتُوا بِهِ مُتَشَابِهًا وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларга остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатдан хушхабар беринг”⁵⁹ ояти шарҳи давомида ҳадисдан келтириб шундай дейди: “Бу оятдаги хушхабар бериш Пайғамбар (с.а.в.)га ҳам бошқаларга ҳам бирдек буюрилгандир. Мисол қилиб Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) шундай деганларини айтиш мумкин: “Қоронғуда масжидларга пиёда борувчиларни қиёмат кунида мукаммал нур эгаси бўлишларидан башорат беринг”. Яъни Пайғамбар (с.а.в.) хушхабар беришни саҳобийлардан бир кишига алоҳида буюрмадилар. Ҳар бир киши хушхабарни бошқа кишига айтиши мумкин. Мана шундай шарҳ бериш афзал. Чунки, бунда башорат беришнинг улуғлиги учун ҳар бир хушхабар беришга қодир киши бу ҳуқуққа эга бўлади”⁶⁰.

58 Қурони карим. Алоуддин Мансур таржимаси.

59 Бакара:25.

60 Маҳмуд Замахшарий. “Ал-Кашшоф”. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1995; “Ал-Кашшоф”. ж. 1. 109-бет.

Маҳмуд Замахшарий тафсири қилишдаги услубининг энг эътиборли жиҳатларидан бири унинг араб балоғати ва фасоҳати имкониятларидан кенг фойдаланишидир.

“Фуркон” сураси шарҳида шундай дейди:

وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا مَحْجُورًا

“ (Аллоҳ) икки денгиз (дарё)ни буниси жуда чучук, униси жуда шўр қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ ва пухта парда қилиб қўйган зотдир”⁶¹.

“Аллоҳ кўп сувли жойни икки денгиз деб номлади. Фурот етарли даражада чучук бўлиб, шириндир. Оятдаги “ужжож” (“аччик”) унинг тескарисидир. Уларни ёнма-ён, бир-бирига ёпишган ҳолда ётқизиб қўйган. Аллоҳ ўз қудрати билан, уларни бир-бирлари билан аралашиб кетишидан сақлаб, уларнинг орасини ажратиб қўйган. Бу унинг қудратининг буюклигидандир. Уларнинг ўртасидан ўз қудрати билан кўринмас парда-тўсиқ қўйди. “Ҳижран машжуро”нинг маъноси нима деб сўрасангиз, жавоб шуки: бу сўз паноҳ тиловчи кишининг иборасидир. Бу ерда бу ибора мажозий тарзда келган. Худди иккала денгиз ҳам бир-биридан паноҳ сўраётгандай. Бири иккинчисига ўтиб “ҳижран машжуро” дейди. Бошқа бир оятда иккала денгиз бир-бирига ўтиб аралашиб кетмайди, дейилган. Бу ерда эса, “бир-бирига босиб ўтиш”, “паноҳ сўраш” билан ифодаланган. Уларнинг ҳар бири иккинчиси учун босиб келувчи сифатида бўлиб, бири иккинчисининг босиб келишидан паноҳ сўраб туради. Бу оят истиора ва балоғатнинг гўзал намунаси”⁶².

Шунингдек, унинг ўзи бирор оятни янада ойдинлаштириш учун эркин тарзда мисол ҳам келтиради.

“Фуссилат” сураси 34 оятига қуйидагича шарҳ беради:

وَلَا تَسْتَوِي الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ ادْفَعْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا الَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةٌ كَأَنَّهُ وَلِيٌّ حَمِيمٌ

“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ

61 Фуркон: 53.

62 “ал-Кашшоф”. ж.3. 279-б.

(муомала) билан даф қилинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур»⁶³.

“Яъни яхшилик ва ёмонлик бир-бирига яқин нарсалардир, яхшиликни ол, у ўзига яқин бўлган ёмонликдан афзалдир. Сен баъзи душманларингдан келаётган ёмонликни яхшилик билан даф қил. Масалан: Агар бир киши ёмонлик қилса, яхшилигинг уни кечиришингдир. Энди энг яхши ёки яхшироқ нарса билан даф қилишинг эса, унинг ёмонлигига яхшилик қилишингдир. Масалан; у сени хорласа, уни макташинг, болангни ўлдирса унинг боласини душман қўлидан сақлаб қолишингдир. Агар шундай қилсанг, душманинг яқин дўстга айланади. Аллоҳ бу ишни фақат сабр аҳли ёки яхшилик манбаидан энг кўп насибага эришган кишигагина насиб қилади, демоқда.”⁶⁴

«Ал-Кашшоф» асарида ал-Бақара сураси муфассал тафсир этилсада ундан сўнгги оятлар мухтасар ҳолда баён этилган. Муаллифнинг ўзи бунинг сабабини баён қилган. Ал-Бақара сурасига ёзилган тафсир у куч-қувватга тўлган пайтда, қолган (иккинчи) қисми эса кексалик пайтида ёзилиб, уни муаллиф тақдир тақозоси (вафоти)дан олдин тугатишни иродат этганди. Шу боисдан ҳам ҳисоблаб кўрилса, тафсирнинг тугатиш зарурати билан боғлиқлиги аниқ бўлади. Шу нарса қизиқарлики, Замахшарийга эргашганлар ва унга тақлид қилганлар, у нимани аъло даражада бажарган бўлса, улар ҳам аъло даражада қилганлар. У нимани рад қилган бўлса, улар ҳам рад қилганлар. У бу услубнинг узрли томонларини топган, лекин кейингиларда ҳеч қандай узрли ҳолат бўлмай, бу фақат улар фаолиятининг заифлиги, иқдори етишмаганлиги ва идрокининг йўқлигидан эди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

63 Фуссилат: 34.

64 “ал-Кашшоф”. ж.4. 194-195-б.

“Кимда ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай” (Нисо,93).⁶⁵

Маҳмуд Замахшарий ушбу оятни тафсир қилар экан, қуйидаги ибораларни келтиради: “ Ушбу оятнинг мазмун-моҳиятига кўра, Аллоҳ таоло гуноҳи кабира қилгувчиларни астойдил тавба қилмасалар, уларни асло кечирмайди”. Бунга оятдаги далил қани деб сўралса, قللت (қулту) айтаманки: “Оятдаги “кимда-ким ўлдирса” сўзидир. Чунки Аллоҳ таоло тавба қилган киши билан тавба қилмаган кишини ажратмасдан “кимда-ким” иборасини келтирди. Аммо гуноҳи кабира қилгандан кейин тавба қилгувчилар эса, бошқа оят билан булардан мустаснодир. Кимки, гуноҳи кабира аҳли тавба қилмаса ҳам, гуноҳлари кечирилади деса, далилини келтирсин”⁶⁶.

Барчамизга маълумки, аҳлу-сунна ва-л-жамоа маҳаббининг ақидасига кўра, Аллоҳ таоло катта-ю кичик, барча гуноҳларни тавба қилиш шарти билан авф этади. Энг катта гуноҳлардан ҳисобланган қотилликни амалгам оширганлар ҳам жаҳаннамда абадий қолмайди. Аллоҳ, уларни қалбларидаги имонлари билан, барибир, жаннатига киритади.

Муътазила ақидасига кўра, қотиллик каби катта гуноҳ қилганлар астойдил тавба қилмасдан туриб, ўлиб қолса, улар жаҳаннамда абадий қоладилар, жаннатга эса, асло кира олмайдилар. Маҳмуд Замахшарий оятдаги ушбу тафсир билан ноҳақ одам ўлдирган ёки шу ниятда бўлган кимсаларнинг қилмишларига чек қўйилганлигини кўрсатади.

Буюк мутафаккир Маҳмуд Замахшарийнинг мазкур оятга берган тафсири тасаннога лойиқдир.

Аллоҳ таоло ояти каримада яна шундай марҳамат қилади:

65 Қуръони карим (Нисо,93).

66 Маҳмуд Замахшарий.Ал-Кашшоф 1-жузъ- Қоҳира:2000, “Мактабату Миср”, - б.475.

“Сиз (бундан) олдин на Китобни (Қуръонни) ва на имоннинг (моҳиятини) билгувчи эдингиз” (Шўро,52)⁶⁷.

Мутафаккир мазкур оятни савол-жавоб тариқасида тафсир қилиб айтадики: “Агар айтсангиз, Расулulloхга ваҳий келишидан илгари Қуръони карим нималигини билмас эдилар, бу тўғри, имон нималигини билмас эдилар деган оятни қандай тушунамиз, чунки ҳар бир пайғамбар ҳеч қачон имондан, тавҳиддан жудо бўлиши мумкин эмаску”. قللت “Айтаманки” (“Қулту”) ... - деб сўз бошлайди мутафаккир ушбу саволга жавобан, ... имон кўп нарсаларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзиларига ақл-идрок билан эришиш мумкин бўлса, баъзиларига эса, фақат илоҳий ваҳий орқалигина эришиш мумкин. Оятдаги “Имон нималигини билмас эдинг”, дегани илоҳий ваҳий орқали эришилган томонини билмас эдинг деганидир... Аммо ақл-идрок билан англаш мумкин бўлган томони эса, Расулulloхда мавжуд эди. Бақара сурасининг 143-оятдаги имон калимаси намоз маъносини билдиради. “Албатта, имон намозни тақозо этади”⁶⁸,

Аллома ушбу тафсири орқали Пайғамбар (с.а.в.)ни, унга араб тилининг нозик жиҳатларини билмаган нодонлар томонидан нисбат берилиши мумкин бўлган жоҳиллик сифатидан поклайди. Биргина шу мўъжазгина тафсирдан ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг нақадар юксак салоҳият ва илмий даража соҳиби эканлиги аён бўлади. Чунки олим оят тафсирига нафақат ўз ақл-идроки билан, балки уни бошқа оятдан далил келтириб тафсир қилган. Бу эса тафсир илмидаги энг ишончли услуб эди. Ушбу оятни оят билан тафсир қиладиган “тафсир би-л-маъсур”⁶⁹ номли олий даражадаги тафсир мартабасидир. Айни вақтда аллома мазкур услуб орқали муҳолифларининг “Қуръон оятларини ўз фикригагина таяниб, тафсир қилади”, деган қарашларини пучга чиқарган.

⁶⁷ Қуръони карим (Шўро,52).

⁶⁸ Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшоф 4-жуз. Қоҳира:2000, “Мактабату Миср”,141-б.

⁶⁹ Тафсири маъсур деганда, бирор оятнинг маъносини бошқа оят ёки Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадислари билан, саҳобий ёки тобиъийдан нақл қилинган сўз билан баён этиш тушунилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, буюк мутафаккир, муфасссир, адабиётчи, файласуф, ўз даврининг этук олими Маҳмуд Замахшарий ижтимоий-фалсафий дунёқарашилини ўрганиш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ этиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг ўтмишини, қадриятларини қайтадан тиклаш, аجدодларимиз қолдирган илмий меросини ўрганишдан иборат эди. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди, лекин оширилиши керак бўлган бир қанча вазифалар ҳам мавжуд. Мана шундай вазифалардан бири – Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашилини тадқиқ этиш, уни келажак авлодга этказишдан иборатдир. Бизнинг бу илмий ишимизда Маҳмуд Замахшарийнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашидан маълум қисмигина холос. Биз кейинги ишларимизда Маҳмуд Замахшарийнинг қарашларини бунданда мукаммалроқ, муфасссалроқ тарзда ёритиб берамиз, деган ниятдамиз.

Маҳмуд Замахшарийнинг адолатли жамият, одил шоҳ, одоб-ахлоқли фарзанд, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлмоқда. Хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарий кейинги авлодларга беқиёс бой маданий мерос қолдирган бўлиб, ўзининг бутун умрини ва жўшқин фаолияти илм-фан йўлига бахшида этган, фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб ўлмас асарлари у ҳали ҳаётлик пайтидаёқ мусулмон шарқида унга катта шон-шуҳрат келтирган. Шунинг учун бўлса керак, араб мамлакатларида иқтидорли олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мукаммал тадқиқотлар яратилган, жумладан, Бағдод дорилфунунининг профессори Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг “Ад-Диросат аннаҳвия ва-л-луғавия индаз-Замахшарий” (“аз-Замахшарийнинг наҳвия (грамматик) ва луғавий (лексик) таълимоти”), Муртазо Оятилла аш-Шерозийнинг “аз- Замахшарий луғавий” (“Замахшарий луғатшунос”), Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоханинг “ал-Адаб ул-арабий фи иқлим Хваризм” (“Хоразм ўлкасида араб адабиёти”) номли тадқиқотлари фикримизнинг тасдиғидир. Маҳмуд Замахшарий Хоразм ўлкасида ва ўзи зиёрат

қилган Шарқнинг турли шаҳарларида бўлган кўпдан-кўп шоғирдларига жуда катта эътибор билан қараб, уларни камол топтиришга ўз ҳиссасини қўшган.

Бизнинг мақсадимиз Маҳмуд Замахшарийнинг асарларида кутарилган асосий ахлоқий мавзулар аънавий қашшоқлик ёки маънавий кўрлик ўртасидаги зиддиятларни кўрсатишдан, ёш авлодга ҳам, ёши ўтиб, ақли кирмаган кексаларга ҳам гўзал панд-насихатларни, зарур бўлса, аччиқ ҳақиқатларни айтишдан иборат эди. Аллома нинг панд-насихатларига қулоқ олиб, улардан баҳра олган одамлар кибру ҳаводан, манманликдан, баҳиллик, ичи қоралик, жоҳиллик, тошбағирлик зикналик, хасислик, таъмағирлик, очкўзлик, мол дунёга хирс қуйиш, бошқаларга ёмонлик қилиш каби турли иллатлардан шифо топсалар ажаб эмас. Бундай ярамас иллатлар урнига одамлар бағри кенглик, камтарлик, инсоф-адолат, меҳр-мурувват, ростгўйлик, ҳалолик, поклик, хушмуомалалик, вафо ва ҳаё каби гўзал фазилатларни қўлга киритсалар ҳар икки оламда бахтини топсалар ажаб эмасдир.

Биз аجدодларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу ўринда Маҳмуд Замахшарийнинг яна “Олтин шодалар” асаридаги бир мақомаси ҳам диққатга сазовордир. - “Шон-шарафни, иззат-обрўни ўзингдан изла, ота-боболардан қолган шон-шуҳрат билан мақтанма. Чунки у шон-шуҳрат ўтмишда қолган. Аждодларингдан мерос қолган бу шон-шуҳратга сен ҳам янги ва хайрли шон-шуҳратли ишлар қўшгин. Ана шунда ҳаққоний шон-шуҳрат қозонасан. Ўз яхши ишларинг билан шон-шараф қозонмагунча, боболаринг шон-шуҳратига шерик бўлишни иддао қилма. Насаб ва ҳасабинг⁷⁰ фарқи гўё тун билан кун кабидир. Кечаги тўқлигинг бугунги очлигингга ёрдам беролмайди. Бугун яхши ишларинг билан топган шон-шуҳратинг эътиборли, қимматлидир”⁷¹.

Хулосага қўшимча қилиб, Призедентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида иқтибос олдик.

70 Насаб - ота-боболардан ўтган иззат-ҳурмат. Ҳасаб — ўз куч-қуввати, мардона ишлари билан топилган иззат-ҳурмат.

⁷¹Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар 34-мақома.42-бет.

“...ўрта асрларда Хоразмда диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини муккамал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларида машаққатли сафар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий этуклик тимсоли бўлиб қолаверади⁷²”.

Дарҳақиқат, биз нафақат ўтмишдаги меросимиз билан фахрланамиз, балки ўзимиз ҳам келажак учун мана шундай мерос яратишимиз керак ва албатта биз ёшлар, бизга яратилаётган имкониятлардан кенгрок тарзда фойдаланган ҳолда изланиш ва ҳаракат қилишимиз даркор.

Маҳмуд Замахшарийнинг юқорида келтирилган қарашларидан шундай хулоса қилса бўлади, агар илм-фан, маданият ва маърифат ардоқда бўлса, жамият гуллаб-яшнайдди. Бундай жамиятни яратиш эса биз ёшларнинг қўлида.

⁷² Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008 йил. 43-бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997,
2. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Ўзбекистон, 1998 йил, 98 бет.
3. Каримов.И.А. Миллат қудрати-ҳамжиҳатликда 7 том. 1999 йил 26 март куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи
4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент-“Ўзбекистон”-2000 йил
5. Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008 йил.

Китоблар ва монографиялар

6. Абдуҳалимов Б.А. “Байт алҲикма” ва Ўрта осий олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти: (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). Т., Тошкент ислом университети нашриёт - матбаа бирлашмаси. 2004
7. Аҳмедова М.А. Фалсафа ТОШКЕНТ – 2005
8. Абдуллаева.М.Н ва Абдурашидов.М. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. ва б. – Т.: Шарқ ,2004.
9. Исломов З. Буюк алломаларимиз. Т.: 2002.
10. Зоҳидов А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Т., ГФНТИ. 1993.
11. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Т., Қуръон ва тафсир илмлари. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси — 2003
12. Рустамов А. Маҳмуд Замаҳшарий. – Т.: Фан, 1971.
13. Уватов.У Маҳмуд Замаҳшарий-Т.: Абдулла Қодирий. 1995. 22-23 бетлар.
14. Уватов У. Маҳмуд Замаҳшарий. – Т.: Мерос, 1995.
15. Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Янги аср авлоди, 2006

16.Хасанов С. Хоразм маърифати-олам кўзгуси.-Т.: Ўқитувчи,1996.140бет.

17.Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. “Шарқ” Т.: 2005

18.Ал-Қуръон ул-Карим /Таржима ва тафсир. Саййид Маҳмуд Замаҳшарий ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Мадиний-Олтинхон Тўра / Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ--Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.

19.Маънавият юлдузлари. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1999.

20.Қурони карим. Алоуддин Мансур таржимаси.

21.Ўзбекистон — буюк алломалар юрти

Маҳмуд Замаҳшарий асарлари

22.Абул Қосим Маҳмуд Замаҳшарий. “Навобиг-ул-калим” (Нозик иборалар) У.Уватов таржимаси.-Т.:Камалак,1992.

23.Маҳмуд Замаҳшарий. “Атвоқ уз-заҳаб” (Олтин шодалар) Тошкент «ЕХТКЕМ1Ж РКЕ55» 2010. Таржимонлар.Маҳкам Маҳмуд Замаҳшарий, Назарбек Раҳим.

24.Маҳмуд Замаҳшарий. «Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-аҳёр» («Яхшилар баҳори ва фозиллар ахбори»).№ 2384. Бағдод, 1982.

25.Маҳмуд Замаҳшарий . Ал-Кашшоф. №4458. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик кўлёзмалар институти кўлёзмаси.

26.Маҳмуд Замаҳшарий. Ал-Кашшоф 4-жузъ-Қоҳира:“Мактабату Миср”, 2000.

27.Маҳмуд Замаҳшарий . Ал-Кашшоф, Байрут. 1992, 1-жилд Тошкент ислом университети, Манбалар хазинаси.

Хорижий адабиётлар

28.Е.А.Беляев. Мусульманское сектантство.Москва,1957.

- 29.Ибн Надим. Китоб ал- фихрист (« Руйхат китоби») Қоҳира, 1958.
- 30.ابن ندیم : کتاب الفهرست ؛ القهره 1958.بی تا.
31. شهرستانی محمد الملل و النهال. لندن؛ 1892.
- 32.(Шахристоний. Ал-Милал ва-н-нихол. Лондон, 1892).
- 33.Маннаъ ал-Қатгон. Мабахис фи улум ал-Қуръон. -Байрут, 1980

Диссертация ва авторефератлар

- 34.Акилов М. Замахшари и его сочинение «Атвак аз-захаб». Автореф.дисс...канд. филол. наук. – М.: 1981. – С. 7.;
- 35.Исломов З. Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат-ул-адаб” асаридаги туркей феъллар таҳлили. Фил.фан.ном.дис. Т.: Тош.Дав.Ун.(ЎЗМУ),1993.
- 36.Исломов З. “Муқаддимат-ул-адаб” асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий- танқидий матни. Фил.фан.док. дис. Т.:ЎзРФА қўлёзмалар инс,1998.
- 37.Носирова М. Махмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи-араб тили грамматикасига оид асар. Фил.фан.ном. Т.: 2003.
- 38.Сулаймонова Н. Махмуд Замахшарий “Асос-ул-балоғ” асарининг манбашунослик тадқиқи. Фил.фан.ном. Т.: А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ,2007.
- 39.Ҳакимжонов М.Ю. Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат-ул-адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили. (Исмлар). Фил.фан.ном.дис. Т.,1994

Илмий мақолалар

- 40.Абдурахим Болтаев. “Махмуд Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари” Мулоқот. 2003.
- 41.Оқилов М. Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма нусхалари // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. - №4.

- 42.Сулаймонова Н. “Махмуд Замахшарий асарларида ахлокий тарбия”
Таълим тарбия. № 1-2001
- 43.Рашид Қодир. “Ал-Кашшоф” Имом ал-Бухорий сабоқлари
№2-2008, №1-2010
- 44.Рустамов А. “Махмуд Замахшарийнинг илмий-маънавий мероси”
Шарқ машаъли № 1-2.-1996
- 45.Турдибоев Н. “Ал-Кашшоф ҳақида” Шарқшунослик.№1-2002
- 46.Халидов Б.З. Замахшари // Семитские языки. Выпуск 2 (ч. 2). – М.:
Наука, 1965.

Интернет сайтлари

- 47.About: Zamakhshari An Entity of Type : scientist, from Named Graph :
<http://dbpedia.org>, within Data Space : dbpedia.org
- 48.<http://www4.wiwiiss.fu-berlin.de/flickrwrappr/photos/Al-Zamakhshar>
[dbpprop:reference dbpprop:hasPhotoCollection](#)
- 49.<http://14.1911encyclopedia.org/Z/ZA/ZAMAKHShARI.html>
- 50.<http://www.fordham.edu/halsall/source/1130Zamakhshari.html>
- 51.[rdf:type yago:IranianScientists](#)
- 52.[yago:MuslimPhilosophers](#)
- 53.[yago:PersianPhilosophers](#)
- 54.<http://en.wikipedia.org/wiki/Al-Zamakhshari>
- 55.<http://www.britannica.com/eb/article-9078218>
- 56.<http://www.understanding>
islam.com/related/text.asp?type=question&qid=3321
- 57.Fotoillyustrasii Axmeda Amirova www.amiir.ru
- 58.<http://www.fordham.edu/halsall/source/1130Zamakhshari.html>[hide